

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ОЎШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № № 197—198 (7. 286—7. 287) 1990 йил 30 август, пайшамба 4 баҳоси 4 тийки

Тошкент шаҳар Совети президиумида

28 августда Тошкент шаҳар Совети президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлиси Тошкент шаҳар Советининг раиси А. И. Фойзбеков олиб борди.

Бозор иқтисодиётига тайёргарлик доирасида Тошкент шаҳри халқ хўжалигини бошқарува Ушш концепцияси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Президиум аъзолари Тошкент шаҳар Совети план ва бюджет-моллия комиссиясининг раиси А. С. Маҳдумовнинг, шаҳар план комиссиясининг раиси В. Р. Ўлдошевнинг, шаҳар моллия божқармасининг бошлиғи В. И. Тоҳиронинг маъруза масалаларига доир ахборотларини муфассал муҳомада қилди. Концепция лойиҳасига қатор аниқ тақлифларни киритилди. Президиум «Тошкент шаҳри халқ хўжалигининг бозор иқтисодиётига тайёргарлик доирасида ўзини ўзи бошқаришга ўтиш концепциясини» асос тарихида қабул қилиш ва уни биринчи бор ўқиш чiqиши учун Тошкент шаҳар Советининг учинчи сессиясига киритишга қарор қилди. Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитетида Тошкент шаҳрининг бозор иқтисодиётига ўтишга доир биринчи навбатдаги тадбирлар дастурини шшлаб чиқиш ва уни шу йилнинг 1 октябрга қадар Совет президиумига ҳавола этиш тошпирилди.

Президиум мажлисида назорат тарихида Тошкент шаҳрида транспортни ривожлантириш бўйича комплекс дастуринг қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди. Аслини олганда 1986—1990 йилларда барча транспорт ташкилотлари капитал қурилиш ва ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш бўйича тошпирқиларни бажармаганликлари қайд этилди. Ана шуни ҳисобга олиб, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида 1990—1995 йилларда бозор иқтисодиёти шартларида аниқлаш охиридаги ҳисобга олган ҳолда Тошкент шаҳридаги барча турдаги транспортни ривожлантириш юзасидан ягона тармоқ комплекс дастурини ишлаб чиқиш тошпирилди.

Тошкент шаҳар Совети президиуми халқ депутатлари район Советларининг ўз депутатлик ваколатларини амалга ошириш бўйича сайлов округларида, меҳнат жамоаларида, жамоат ташкилотларида ҳамкорликда ишлаш учун депутатлар гуруҳларини, Ўзбекистон ССР, Тошкент шаҳар Совети ва район Советларининг халқ депутатлари ҳисобидан шакллантириш тўғрисидаги тақлифларини маъқуллади.

«Тошкент оқшом» ва «Вечерний Тошкент» рўномаларининг муҳаррири Э. Эрнандеснинг шаҳар рўномаларига обуна тўғрисидаги ахбороти тингиланди. Президиум маданий, фан, маориф, ахборот, ошкоралик бўйича доимий комиссияга «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Тошкент» шаҳар рўномаларининг муҳарририят кутарибта муаммоларини ўн кун муҳлат ичда кўриб чиқиш ва уларга доир тақлифларни киритишни тошпирди.

Тошкент шаҳар Совети президиумининг мажлисида Совет фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар

Оталиқ ташкилотлари ҳиммати

ШАХРИМИЗ мактабларини янги ўқув йилига тайёрлаш жараёнида кўпгина билан дарсхона бинолари тўлиқ таъмирдан чиқарилиш ҳамда кўпгина синфхоналар қурилди. Биргина Киров районида шу мақсадлар учун 750 миң сўм пул ажратилди. Болалар боғчаси, болалар уйи ва мактаб-интернатлари тиклаш учун эса бир миллион сўмлик қўшимча маблағ ажратилди. Аниқ бир вақтда оталиқ ташкилотлари ҳам ҳиммат кўрсатиб, ёрдам қўлини чўздилар. «Среднеазиат» бирлашмаси ўз оталиқиди билан дарсхона учун 44 миң сўм пул ажратди. Бу маблағ тўлиқ таъмирлаш ва қўшимча пухта таъйиргарлик қўришга муваффақ бўлди.

«Среднеазиат» бирлашмаси ҳам катта ҳиммат кўрсатди. Оталиқдаги 247-мактаб берилган ўн миң сўм ёрдам пули ҳисобига янги ўқув йилига ҳар томонлама пухта таъйиргарлик қўришга муваффақ бўлди.

Ижодий жамоа—изланишда

ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси Кимё илмий таътириш институти мутахассис олимлари агрофизик соғлиғи учун кураш йўлида қатор тадқиқотлар устида самарали изланишлар олиб бормоқдалар. Илмий муассасада янгида вақтинчалик ижодий гуруҳини тuzилиши ҳам экологик кузатишларни кенгайтириш имконини берди. «Полиэл» деб номланган бу илмий куч корхоналарда экологик ҳолатларни ўрганиш ва баргараф этиш масалалари билан янгида шуғулланишга киришди. Жумладан, Чирчиқдаги «Электронхимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан маъруза жамоа ижодий ҳамкорликда фойдаланиш репаратлар тайёрлаш кўзда тутилди.

Саноат корхоналарида ишлатилаётган сувларни зарарсизлантириш мақсадида ишлатилган қуруқ полиэлектротитлар тайёрлаш тадбирлари қурилади.

Дўстлик мадҳи «Ўзбекистон жилolari»

ЎЗБЕКИСТОННИНГ Африка қитъаси билан маданий алоқалари кучайиб бормоқда. Бунда Африка халқлари билан Совет дўстлиги уюшмаси Ўзбекистон бўлимининг фаол иштироки катта бўлмоқда. Маъруза бўлими йўли билан Ғарбий Африкага уюштирилган махсус сафар Африка билан Ўзбекистон ўртасидаги маданий ҳамкорликда янги босқич бўлиб хизмат қилди. Ушбу саёхат чоғида «Шодлик» ансамбли санъаткорлари ўз концертлари билан кўпчиликини мамну этиди. Ана шу дўстона учрашувлар ҳақида «Узоқ ва Яқин Африка» деб номланган ҳужжатли фильм яратилди. Исотеодди телеоператор М. Муслимов томонидан суратга олинган бу қизиқарли ижод намунасининг қўриги муваффақиятли ўтди.

«Ўзбекистон жилolari»

ТОМЧИДА кўшм акс этганидек, ноёб ёғоч ўймакорлиги асарига бутун бир миллий амалий санъатнинг ранго-ранг жилolari мужасамлашди. Қўли гул халқ усталари издан бориб яратилган бу меъморий қурилма янгилик майдонга келган «Пешаврон» ёғоч ўймакорлиги асари ҳам юксак бадиийликнинг ёрқин жоизбаси ўз нафис талқинини топди. Ана-ука Мирзоқид ва Аҳмад Аширлар яратган ушбу меъморчилик обидасида серкуёш гулаб ўлмағининг серкирра нафосати жонлангандек бўлди. Шунинг учун ҳам «Пешаврон»га бағишланган ҳужжатли фильм «Ўзбекистон жилolari» деб рамзий ном олди. Бу лента «Ўзбектеелефильм» студиясининг навбатдаги энг яхши ижод намуналаридан бири бўлди.

Бутуниттифоқ кенгаши

29 август кунин Тошкент шаҳрида очилган тараққиёт генетикаси бўйича иккинчи Бутуниттифоқ кенгашида фундаментал тадқиқотлардан қишлоқ хўжалиғида кенг фойдаланиш имкониятлари ҳамда шу билан боғлиқ агрофизик ва инсон саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари муҳомада этилмоқда. Кенгашда Москвадан, Ленинграддан ва мам-

Мехнаткашлар манфаати муҳофаза этилсин

Тошкентда Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат ва коммунал-муношй хизмат корхоналари ходимлари касабаси уюшмасининг съезди ўз иштини тугалади. Делегатлар тармоқ касабаси уюшмаси жумҳурият комитетининг ҳисоб берилаётган беш йиллик давр учун қилган ҳисоботини муҳомада қилди. Бошланғич касабаси уюшмалари ташкилотларининг

Саломатлик дўстларининг слёти

ТОШКЕНТДА «Саломатлик дўстлари»нинг XVI жумҳурият слёти бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Қизил ярим ой жамяти Марказий Қўмитаси унинг ташкилотчилиси бўлди. «Пионер эрталиги» кашшофлар лагерига вилот слётиларида қўлиб чиққан тўқсондан энг ўқувчи тўпланди. Улар ўзларининг даст-

Янгиликлар билан С. ОДИЛОВА ва ўзТАГ мухбирлари таништиришди.


лакатимизнинг бошқа илмий марказларидан келган олимлар иштирок этишмоқда. Агрофизик муношй ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишнинг генетик усулларини ишлаб чиқиш, пахтанинг бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини этиштириш билан шуғулланаётган Ўзбекистонлик олимлар ҳам бу борда муайян ютуқларни қўлга киритишди. Ай-

Хитойнинг «Пекин — 90» цирки артистларининг гастроллари тошкентликларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хитойнинг «Пекин — 90» цирки артистларининг гастроллари тошкентликларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Уларнинг репертуарида ижроияларнинг юксак касб маҳоратидан далолат берувчи бири-биридан қизиқ номерлар ўрин олган. СУРАТДА: Хитой цирки артистларининг чиқиши.



Р. Нуриддинов (ЎзТАГ) сурати.



ИШДАН БУШ ВАҚТЛАРДА. Совет — Хитой қўшма корхонаси — «Ташинтер»нинг илғор ишчиси Анвар Пўллошев дам олиш дақиқаларини иваралари билан ўтказишни хуш кўради. Т. Каримов сурати.

Илгариги мавзуга қайтамиз Савдода йўқ, корхонада оз, чайқовда сероб

ТОМАКИ чекувчилар ҳар бир сигарет қутисига «СССР Соғлиғини сақлаш вазирлиғи оғоҳлантиради: чениш соғлиғингизга зарарли», деб ёзиб қўйилган сўзларга қўлоқ солишмаганда. Навбатдаги тақчиллик бу масалани ҳал этишни осонгина йўлини топди. Сигаретлар савдодан йўқолди-қўйди.

«Оқшом» сигарет муаммоси ҳақида бир неча марта ёзди. Бутун шу мавзуга яна қайтамиз. Таҳририятта маълум бўлишича, СССР Савдо вазирлиғи мамлакатимиздаги тамаки фабрикаларига 445 миллион дона сигарет ва папирос учун буюртма берган экан. Тамаки фабрикалари эса 407 миллион, яъни режада белгилангандан 10 фоиз кам тамаки

тайёрлашнинг уйдасидан чиққига ваъда беришган экан. Амалда эса шу йилнинг олти ойи ичда тамаки фабрикалари савдо шохобчаларига бундан ҳам 15 миллион дона кам сигарет ва папирос юборган. Бунинг устига бизга хорижий мамлакатлар ичда энг кўп сигарет юборадиган Болгария ҳам шу кунгача 15 миллион дона кам сигарет юборибди. Жўрттага қилингандек, шундай вазиятда Иттифоқимиздаги 24 та тамаки фабрикасининг 18 таси ремонт қилиш учун қўхатилибди.

М. МИРАЮПОВ, шаҳар савдо Бож божқармаси бошлиғининг ўринбосари.

И. ИСЛОМОВ, шаҳар ички ишлар божқармаси БХСС бўлиғимас бошлиғининг ўринбосари, милиция майори.

— Ҳозир дуч келган ерда чайқовчилик қилиб, мўмай пул ортираётганларга қарши кураш олиб боришмоқда. Сигарет ва папиросларнинг камайиб кетганидан фойдаланган айрим чайқовчилар қириқ йўл билан бўлса ҳам тамаки топишга эришиб, бундан устали билан фойдаланишмоқдалар. Саниқ ой ичда фақат сигарет сотиб, чайқовчилик қилганлиги учун 26 киши жиноий жавобгарлиғи тортилди. Бунга мисол тариқасида қуйидагиларни айтиш мумкин: 1985 йилда туғилган Д. Умрзоқов Фарғона облатининг Ўзбекистон районидаги Аширкул мерган қишлоғида ишайди. У йўқондан «Родоп» сигаретининг 500 қутисини 50 тийиндан сотиб олиб, шаҳримизнинг Ош тибқи бозорига қутисини 2 сўмдан сотибтадан қўлга тушди. Д. Умрзоқов 500 қути сигаретдан 750 сўм фойда қўрмоқчи бўлган. Тергов ишлари тугалади, бу иш Октябрь халқ судига юборилди.

— Ҳақиқатда ҳам ўтган ойлarda режадаги сигарет ва папиросларнинг ҳаммасини ололмади. Бунинг устига «Ташбакале» ва Тошкент тамаки фабрикаси белгиланган миқдордаги тамакинни етказиб берилади. Масалан, Тошкент фабрикаси саниқ ойда 11 миллион 71 миң сўмлик сигаретлар етказиб бериши керак эди. Ваҳоланки 8 миллион 186 миң сўмлик берди. Бу ҳамшаҳарларимизга 2 миллион 905 миң сўмлик кам миқдорда тамаки берилиб деган сўз. Кейинги кунлардагина ахвол ўзгара бошлади. Фабрика 1 августдан бошлаб ҳар кун 50 миң сўмлик сигаретлар етказиб бераётган бўлса 13 августдан кейин бу 80 миң сўмга етди.

Шаҳримиз аҳолиси учун сигаретларни асосан «Ташбакале» етказиб берилади. Бу ташилот саниқ ойда 15 миллион 688 миң сўмлик сигарет ва папирослар етказиб бериши керак эди. Афсуски 3 миллион 630 миң сўмлик кам етказди. Умуман шу йилнинг саниқ ойда шаҳарга 6 миллион 537 миң сўмлик кам тамаки етказиб берилди.

Олдчилар шаҳар аҳолисини фақат бизнинг савдо шохобчаларимиз орқали 40 миң сўмлик тамаки сотилар эди. Бундан ташқари шаҳар ошхоналарида, «Союзпечат» дўконларида ҳам бир неча миң сўмлик сигаретлар сотилади.

Ҳозир район озиқ-овқат савдоси идоралари тамаки учун берилган буюртма орқали корхона ва ташкилотларда тамаки сотишни ташкил қилишмоқда.

М. ШАПИРО, Жаҳон Обидова номи Тошкент тамаки фабрикаси директори.

— Ҳужумиятимизда ягона ҳисобланган тамаки фабрикасида ҳозир беш хилдан — «Прима», «Астра», «Поле», «Голуби купола», «Космос» сигаретлари тайёрланамоқда. Бутунги кунда етти ойлик план 82 фоиз қилиб бажарилиди. Ҳозир ҳар кун 200 миң сўмлик сигарет ишлаб чиқаришга эришмоқдамиз.

— Бутунги кунда фабриканинг аҳоли қандай? Бунинг ўтган йил билан солиштирсак бўлади.

— Бу йил ўтган йилга нисбатан ёмон. Сабаби биз филтър ва сигарет идишлери бўлмаганили учун ярим йил ишсиз ўтирдик. «Прима», «Астра» қутилари Тбилисидан ўз вақтида келмади. Ҳозир филтър ва қутилар етарли. Аммо ижозларнинг тез-тез ишдан чиқиши натижада, эҳтиёт қўшмаларнинг йўқлиги оқибатда қўшма қимматли вақтин бехуда ўтказмоқдамиз. Иттифоқимизнинг бирор ерида тайёрламайдиган эҳтиёт қўшмалари хориждан олинган кўчимизи етказ-

Сўнги СОАТДА: ТАССнинг хабар беришига, СССР Президенти М. С. Горбачев аҳолини тамаки маҳсулотлари билан таъминлашдаги мушкул ахвол сабаблари тўғрисида тушунтириш бериш учун — ўз ҳузурига СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Ниқитини ва Л. А. Воропанни, РСФСР Министрлар Советининг Раиси И. С. Силаев, унинг биринчи ўринбосари Г. В. Куликин, СССР савдо министрининг ўринбосари С. Е. Сарухановни чақирди. Президент тамаки бозоридидаги и-

Мувоҳамада СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков иштирок этиди.

СССР Президентининг қарори яқин вақт ичда маълум қилинади.

СОФИЯ. Болгария Ички ишлар вазирлигининг вакиллари ўтган тунда экстремистлар пойтахтда Болгария социаллистик партияси Олий Кенгаши бисоита қаршилган ҳужумнинг баъзи тақлилотларини маълум қилди.

София. Ички ишлар дирекцияси директорининг ўринбосари генерал Русинининг гапарига қараганда, бу ҳужумнинг ташаббускори «Подкрепа» меҳнат конференциясининг раҳбари Константин Тренчевлир. 46 киши ишланди. 39 киши ҳокимият вакиллари қаршиллик кўрсатиш, беорилик ва ўт қўйишда айбонлиб, ишн тергов қилинмоқда. Уларнинг кўпчилигида фирқа уйдан олиб чиқилган буюмлар топишган. Уларнинг деярили

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Брашов шаҳридаги энг катта «Тракторул» машина соғлиқ заводининг 30 дан ортиқ ишлари ва ишлагичлари бунинг ишга тушди.

Заводнинг «Адолат ва бардошлик» касабаси уюшмаси раҳбарлигида ишчилар бу ерда тўпланиб қолган муаммоларини муҳомада қилиш учун мамлакат бош вазирни Петре Роман келишини талаб қилмоқдалар. Шундан кейинги на иш бошлайди, дейилди иш ташлаганлар тарқатган хабарда.

МАМЛАКАТ ХУКУМАТИНИНГ қарорига мувофиқ ҳозир Форс кўрфазини ноҳияси томон бораётган Италия ҳарбий ремадары 2-3 сентябрда Уммонга етиб боради.

Бунда Ғарбий Европа уюшмаси доирасида зарур операция режалар тайёрлаб қўйилиши керак, деб таъкидлади адмирал.

ВАШИНГТОН. АКШ Президенти Жорж Буш Форс кўрфазидидаги тангликни дипломатия йўли билан баргараф этишнинг алоҳида имкониятларини кўрмаётганлигини айтиди, аммо шу йўналишда муваффақиятга еришиш учун уринишларида БМТ бош қотиби Хавьер Перес де Куэльярга омад тилади.

«Саддам Хусайн халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этилиши шу қадар хоҳламайлтики, мен самарали музокаралар олиб бориш учун имкониятни кўрмайман», — деди Буш душанба кунини Канада бош вазирни Брайан Малруни билан биргаликда ўтазган журналистлар билан суҳбатда. Учрашувлар шу кунин Президентнинг Кеннебанкпорт (Мэн штати)даги мулкида олиб боришган музокаралардан кейин бўлиб ўтди. Форс кўрфазидидаги вазият музокараларда диққат марказида бўлиб, деб хабар қилди Оқ уйнинг мат-

ЛОНДОН. Келгуси йилда Буюк Британияда пулнинг индрсизланиши ўртача 6,2 фоизни ташкил этади, саноатни таъаззул кутмоқда, солиқларнинг камайишига умид йўқ, ишсизлар сонини ҳар ойда ўртача 30 миң кишига қўлади.

Британия саноат конфедерацияси бутун эълон қилган фаралар ана шундай ачинарли манзарани тасвирлайди. Мамлакатдаги йирик ушбу корхоналар ташкилотининг маълумотларига қараганда, пулнинг қадрсизланиши ҳозирги уч ойликда 10 фоизга етиб, энг юқори чўққига чиқди. (СИТА).

СОФИЯ. Болгария Ички ишлар вазирлигининг вакиллари ўтган тунда экстремистлар пойтахтда Болгария социаллистик партияси Олий Кенгаши бисоита қаршилган ҳужумнинг баъзи тақлилотларини маълум қилди.

София. Ички ишлар дирекцияси директорининг ўринбосари генерал Русинининг гапарига қараганда, бу ҳужумнинг ташаббускори «Подкрепа» меҳнат конференциясининг раҳбари Константин Тренчевлир. 46 киши ишланди. 39 киши ҳокимият вакиллари қаршиллик кўрсатиш, беорилик ва ўт қўйишда айбонлиб, ишн тергов қилинмоқда. Уларнинг кўпчилигида фирқа уйдан олиб чиқилган буюмлар топишган. Уларнинг деярили

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Брашов шаҳридаги энг катта «Тракторул» машина соғлиқ заводининг 30 дан ортиқ ишлари ва ишлагичлари бунинг ишга тушди.

Заводнинг «Адолат ва бардошлик» касабаси уюшмаси раҳбарлигида ишчилар бу ерда тўпланиб қолган муаммоларини муҳомада қилиш учун мамлакат бош вазирни Петре Роман келишини талаб қилмоқдалар. Шундан кейинги на иш бошлайди, дейилди иш ташлаганлар тарқатган хабарда.

МАМЛАКАТ ХУКУМАТИНИНГ қарорига мувофиқ ҳозир Форс кўрфазини ноҳияси томон бораётган Италия ҳарбий ремадары 2-3 сентябрда Уммонга етиб боради.


Бунда Ғарбий Европа уюшмаси доирасида зарур операция режалар тайёрлаб қўйилиши керак, деб таъкидлади адмирал.

ВАШИНГТОН. АКШ Президенти Жорж Буш Форс кўрфазидидаги тангликни дипломатия йўли билан баргараф этишнинг алоҳида имкониятларини кўрмаётганлигини айтиди, аммо шу йўналишда муваффақиятга еришиш учун уринишларида БМТ бош қотиби Хавьер Перес де Куэльярга омад тилади.

«Саддам Хусайн халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этилиши шу қадар хоҳламайлтики, мен самарали музокаралар олиб бориш учун имкониятни кўрмайман», — деди Буш душанба кунини Канада бош вазирни Брайан Малруни билан биргаликда ўтазган журналистлар билан суҳбатда. Учрашувлар шу кунин Президентнинг Кеннебанкпорт (Мэн штати)даги мулкида олиб боришган музокаралардан кейин бўлиб ўтди. Форс кўрфазидидаги вазият музокараларда диққат марказида бўлиб, деб хабар қилди Оқ уйнинг мат-

ЛОНДОН. Келгуси йилда Буюк Британияда пулнинг индрсизланиши ўртача 6,2 фоизни ташкил этади, саноатни таъаззул кутмоқда, солиқларнинг камайишига умид йўқ, ишсизлар сонини ҳар ойда ўртача 30 миң кишига қўлади.

Британия саноат конфедерацияси бутун эълон қилган фаралар ана шундай ачинарли манзарани тасвирлайди. Мамлакатдаги йирик ушбу корхоналар ташкилотининг маълумотларига қараганда, пулнинг қадрсизланиши ҳозирги уч ойликда 10 фоизга етиб, энг юқори чўққига чиқди. (СИТА).



КАСБИГА ИХЛОС ҚЎЙГАНЛАР

«Дарахт бир жойда кўкаради». «Меҳнат қилган — элда азиз». Халқимизнинг жуда билиб ва топиб айтган бу ҳикматли сўзлари замирида бир олам маъно бор. Чиндан ҳам бирор хунарга ихлос қўйган йигит-қизнинг келажакда ўз касбининг ҳақиқий эгаси бўлиб етишиши учун аввало қўнғи ва сабот, қолаверса наъанини ва маҳорат ҳам керак. Тошкентдаги жиҳозлар ва дастгоҳсизлик синав тажриба-механика заводига борсангиз ўз касбига ихлос қўйган бундай фидойиларни кўриб хурсанд бўласиз. Шундайлардан бири Комил Ҳикматовдир.

тов эса буни дилдан ҳис этади, эсимдаги топшириқни бажармагунча кўнгли асло тинчимайди. Ана шундай фазилати туфайли у доимо топшириқларини ортиги билан бажариб, ҳамкасб дўстларининг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлмақда.

Комил Ҳикматов билан бир корхонада меҳнат қилаётган фидойилардан бири — Ғиёт томондаги суратда тасвирланган Акмал Абдуқаюмовдир. У ҳам Комил сингари ўз касбининг ноэкин томонларини пухта эгаллаб олган пешқадамлардан биридир.

— Меҳнат янгиловиди гап кўп, — дейди Акмал Абдуқаюмов. — Ҳар бир иш жойида шунга риоя қилинади албатта қўзланган мақсадга эришилди. Буни мен ўз иш фаолиятимда яқ-

қол ҳис этиб турибман. Демак, қаерда нитизом ва масъулият кучли бўлса, уша ерда кўлга киритиладиган ютуқлар салмоғи ҳам шунчалик юқори бўлади.

Ҳа, ишчининг бу гапларида жон бор. Ушбу корхонада Комил ва Акмал сингари ўз касбига меҳр қўйган ишчилар кўпчилиги ташкил этади. Уларнинг ишга сийқидиланган ёндоқини туфайли корхона жамоаси эришяётган ютуқлар борган сари салмоқини бўлиб бормоқда. Суратчимиз Тўлқин Қаримов билан ушбу корхонада бўлганимизда ва кўплаб ишчилар билан суҳбатлашганимизда бунга биз яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

С. БОБОВЕВ.



Нархи балинд

ОШКОРАЛИК, демократия замони деганимиз. Одамларга яратилмаган қўлчилар ҳақида бонг уранганимиз. Лекин бу гаплар кўпгина тилимизда қолиб кетган. Амалда унинг натижаси деярли кўринмапти. Шу яқин ўртада шаҳар бозорига (Октябрь бозорига) надам ранжиди қилган киши бунинг гувоҳи бўлади. Очқў гап. Расталар мена-ларга тўлиб-тошган, жой таъқислигидан ҳатто улар ерларда ҳам сотилапти.

— Олма неча қўп. — сўраймиз сотувчи йигитдан.

— Уч сўм!

Қўлоқларимизга ишонмай нарироқ юрдик. Бошқа кишидан олмангиз нархини сўраймиз. Уша юқоридида жавоб қайтарилди. Яна ва яна.

Шафтолининг қайси хили йўқ дейсиз. Лекин нархи осмонда. Уч сўм. Узум, олма-қўрғин нархлари ҳам ундан кам эмас. Тарвуз-қовун растасига ўтамиз. Қовуннинг қилоси 60 тиғин, тарвуз — 40 тиғин. Ё таъба, айнан пишчиқилик пайтида шундай бўлса, эрга-яндин бу маҳсулотлар қамайиб қолганида нима бўлади?

Ахир бундан икки-уч йил олдин наф август ўрталарида қовун, тарвуз, айниқса помидор «сув текин» (ҳозир помидорнинг баҳоси 1 сўм) бўларди-ку. Маҳсулотлар ҳар йилдан кўп бўлса ҳамки нархи балинд. Тўғри, деҳқонга ҳам оғир. Лекин шаҳарликлар ҳам пулни осмон топмаётганини ҳам ўйлаб керак-да.

И. ОРИПОВ.

«Яшил чироқ»

керак

УШБУ мактубни кўп болади оналар номидан йўлланман. Гап шундаки, Паркент — Тошкент катта йўли бошланмасида Оржоникидзе районига қарашли Ленин номи қўлоқ томон кетадиган йўл бор. Шу йўл боши ўта серқатнов бўлиб, тез-тез кўнглисиз ҳодисалар рўй бериб туради. Машиналар тўқнашиди. Ҳатто баъзи бирорлар транспорт тағдиди ҳам қолди. Қизғин йўлнинг бу томони Ҳамза райони, нариги томони эса Оржоникидзе районига қарайди. Биз бу ерга «яшил чироқ» ўрнатилганини илтимос қилиб ҳар иккала район йўл назоратчиларига мурожаат қилдик. Лекин улар сансалорлик билан бу ишни бажаришмапти.

Йўл жуда серқатнов бўлганидан ёш болалар, болалар оналар, қаришлар нариги томонга ўтиш учун 10-15 минутлаб вақт сарфлашапти.

Ахир сансалорлик қачонгача давом этади? Қачонгача одамлар жорак ҳовучлаб юришдики бу йўлдан? Нима, битта «яшил чироқ» ўрнатилиш шунчалар қийинми?

М. МАДАМИНОВА, кўп болади она.

Эҳ, гап кўп

ЎТГАН йили ҳам рўзномага мурожаат қилган эдим. Масала Қорағачини 1/4 даҳаси ободончилиги тўғрисида эди. Ўшанда рўзномада расмий жавобни ўқиб, ҳа энди район мутасаддиларига ишонасиз бўлар, деб ўйлаган эдим. Афсус, сайланган депутатлар-у, ҳатто уй-жой бошқармаси қўлимизга қараб бўлмади. Бир пайтлар тоза сува оқилдан ариқлар кўп-кўрүк, ахлатлар, чиқиндиларга тўла. Фаррошлар совуққонлик қилиб ахлатларни кўча юзига тўплаб қўйишди. Чунки, ахлат ташувчи машиналар ўз вақтида келмади. Н. Ҳасанов кўчасига қувур ётқизишни билан кўчанинг бир томони қавлаб ташлаган. Йўл ёқаси бўлиб эса ахлат уюмлари. Гоҳ фаррошлар уни ёқиб юборишди. Болаларга ўйнаш учун майдончалар йўқ. Дам олинб ўтириладиган ўтиргичлар йўқ. Кўпчилик йўлларнинг аҳолига ачинасан, деворлар кўчиб кетган, эшикларини йўқ.

Эҳ, гапнарай, ёзай десанг гап кўп. Мен қўпчилик номидан бу хатни ёзаяман. Лекин фойдаси бормикан?

Ҳурмат билан: М. ҚАРИМБОВЕВА, меҳнат кексаси.

Инсофга келишса

МЕН Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги Лисовов кўчасида истиқомат қиламан. 1989 йил 24 июлда эрим автомобиль ҳалокатидан вафот этди. Катта қизим ҳали 3 ёшга тўлмаганди, шу йилнинг 5 мартида унинг қизим туғилди. 1990 йилнинг май ойигача боқувчисини йўқотганлиги сабабидан туланидан нафақа пулини ҳар ойда олиб турдим. Май ойида негидар нафақа берилмади. Бу ҳақда Ҳамза район социал таъминот бўлимига мурожаат қилдим, менга «Янаги ойда икки ойиникини қўшиб олсан» дейишти. Мана август ойи тугамоқда, лекин нафақадан ҳамон дарак йўқ.

Илтимос ёрдам берсангиз! Ахир, уч болам билан идорам-идора югуролмайман-ку!

Қ. ПУЛАТОВА.

Тилим лол

ФАРҒОНАДАН дорилфунунда бирга ўқиган надрдон дўстим келиб қолди. Неҳаси билан қаққақлашдик.

— Бугун бир шаҳар айланайлик. Ўлай агар Тошкентни жуда соғиндим, — деди у эрталаб туриб.

Рози бўлдим. Меҳмон истаган жойларга қадам ранжиди қилдик. Юнусовдин 2-мавзесида турмучи дўстимнинг қидириб бордик. Афсуски, уйда йўқ экан. Бекатга чиқиб автобус кутшга тўғри келдик.

Роса чинарди, бир сув ичсан бўларди, — деди меҳмон иккидан қуриб сурган лабларини длаб. Атрофга кўз югуртирмади. Афсуски, сув йўқ. Бундан икки йил олдин бекатга ўрнатилган сув совутич автоматлар олиб, ташлангани эди.

Хайрият автобус келиб қолди. — Кетдик. Инқилоб хитобига борамиз. Бир «Улоқ»га кириб жузжаҳурилик қилайлик. Эски надрдон жойлар улар. Узимиз ўқиган дорилфунунинг ўша қадимий биносини қўрайлик, қана ҳолда экан, — деди меҳмон.

15-20 минут йўл боши манзилга етиб келдик. Автобусдан тушиб мириқиб сув ичдик. Омиқландик. Кейин дорилфунун биноси томон юрдик. Бино чегарасига ўтдик, хайратдан ёна ушладик. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг бионинг ҳуқуқшунослар куллийти жойлашган томонга қўришишдан бу яқин ўртада супурги тегмаганди. Бу шундоққина марказда жойлашган йўлжазда нималар йўқ дейсиз? Қоғоз парчалардан тортиб қовун пуноқларига сочилиб ётибди.

— Нима, куллийти бу ердан кўчиб кетганими, — сўрайди меҳмон мендан. Елка сиқаман. Нима дейи ахир? Шундай муқаддас даргоҳ олдидики ифлослиги, тартибсизликлардан тилим соқов бўлиб қолганди.

— Эскигина шундай бино расво бўлибдику, — деди дўстим.

Таъзимиз тирриқ бўлиб, узоқ жим кетдик.

Қ. ИСОҚОВ.

Уят эмасми?

1989 йилда кўп меҳнат билан 45 кунда 270 километр узунликдаги Фарғона каналининг ишга туширилгани тарихий факт. Ўтган йиллари Ингелс қўчасининг Олой бозори билан туташган жойидаги ер ости ўтин йўли қурилишини қандай борганини қўпчилик қўради, Кўчанинг у бетидан бу бетига ер ости ўтин йўлини қуришга 10 ойдан ортқ вақт кетган эди. Бутун автобус, машиналарнинг қатнови бошқа йўللарга қўйрилганиди. Ушанда қанчалар-қанча ортқча вақт, ортқча ёқилди сарф қилинганни бир кўз ўнгингизга келтириб қўринг. Киши ҳавас қиладиган йўл бўлган бўлса ҳам майли эди. Ниров районидаги София шўх кўчасида иссиқлик тармоғини ётқизиш ишлари бошланганига ҳам анча бўлди. Узоғи билан 300—350 метр масофада иш олиб бориламоқда. Бу ишни Тошкент инженерлик коммуникациялар қурилиш трестининг 7-қурилиш бошқармаси қурувчилари олиб бормоқдалар.

Илгари йўл қурилишини шу йилнинг 22 июлидан 22 июнигача олиб бориш мўлжалланган эди. Мана энди бу муддат 30 декабргача узайтирилди. Бинокорларнинг бу хилдаги хотиржамлик билан тошбада юриш усулида ишлашди йўлнинг 1981 йилда ҳам ишга туширилиши қийинга ўхшайди. Ахир қурувчиларнинг қонлигини иш режаларини тешиқувчи назоратчи ташкилот борми? У ҳолда йўл қурилиши неча назорат қилинмади. Бу кўчалар қандайлар троллейбус қўриқ тўхтатилган. 14, 19-маршрутлик ҳосилар, 56, 85, 88, 10-автобуслар қатнови бошқа кўчаларга қўйрилди. Минг-миңлаб йўловчиларнинг яқини узоқ бўлаётгани, қўшимча тонна-тонна ёқилди сарф бўлаётганига жарима бирор тегишли ташкилот раҳбарларининг қўнғишдан олинганда эди, иш ташлаган бўларди.

С. СУЛТОНОВ.

Депутатлар фаолияти

Таржиман холи оддийгина

— Фигоним чиқиб уйга қайтдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг бир ҳафта овоза бўлиб кўча чироқларини ёқа олманганим алам қиларди. Шаҳар электр тармоқлари бошқармасига борсам «Район бўлимига учрашинг», дейишди. У ердангилар эса бу ишни фақат шаҳардагилар ҳал қилишини айтишди. Бошим қотиб қолди. Нима қилишни билмай тўғри бошлиқнинг олдига бордим. «Агар бир ҳафта ичда сайловчиларнинг шу истагини бажариб бермансангиз Олий Советга мурожаат қиламан», дедим. Ҳа, пилтарлаб қолмас экан-а. У кунда бажаришга ваъда берди. Бу гапни айтишимдан мунод хали ҳам баъзи жойларда Советларнинг роли ошайётганлигини чинакам таъин олмайди кишилар борлиги депутатга меънамасдан қараш ҳоллари ҳам суратланганини билдиришдан иборатдир.

Кўйибсан район Советининг депутати Зокиров Нурхўжаев билан суҳбатимиз шу тарзда бошланди. Депутат куюниб, гапнаради. Унинг ҳар бир сўзидан бурча ҳис масъулият билан ишондотганлиги, сайловчилар манфаатини ўйлаб иш юриётганлиги шундоққина билиниб туради.

— 1 сентябрь куни сайловчилар билан учрашуви режалаштириб қўйганман. Бу йилгишга бизга кўпчи бўлган 67, 69-сайлов округидан сайланган район Совети депутатлари, шаҳар Советининг депутатлари Ш. Назаров ва Ўзбекистон ССР халқ депутати Ш. Нусратовларни таклиф этмоқчиман. Улар билан биргаликда ҳам этишимиз лозим бўлган бир неча муаммолар борки, буларни сайловчилар олдига юзма-юз туриб келишимизга тўғри келади, — дейди бизга депутат.

Вироз ноқулайроқ бўлса-да, «Депутат сифатида сайловчилар ишончини қозона олайсанми», деган саволни 3. Нурхўжаевга берганимизда у ийманлибгина бир мисол келтирди.

6-йўрсув даҳаси аҳолисини депутат билан бўлган биринчи учрашувида унга даҳада маҳалла ташкил этиш истагини билдиришган эди.

— Қачонгача ҳамма ўз ҳолига қилайди. Ариммаган ҳужжат учун уй-жой бошқармасига чопамиз, Соатлаб навбат кутамиз. Айбониз кўп наватли уйларида

яшаганимизми? Ахир шу атрофдаги тўққизта уйда 720 оила йшайди. Уларда 3020 аҳоли бор. Бунинг устига маҳалла кўп миллатли. Шундай жойда ҳамма-нинг бошини бир жойга қўвиштириб турадиган маҳалла ташкил этиш негизимиз эмас, — дейишганди ушанда сайловчилар. Бу гап ҳаммага маъқул бўлган, ташкилий ишлар асосан депутат 3. Нурхўжаев эсимизга юкталган эди.

— Шу масала бўйича роса уч ой овоза бўлдим. Ҳар хил фикрлар, тўқнашулар бўлди. Ҳамма жойда сўзанини ўқидришга ҳаракат қилдик. Хайрият, хизматларим зое кетмади. Бундан бир ой олдин даҳамизда бир йўла иккита маҳалла — «Авайхон» ва «Наврўз» номида маҳаллар таркиб толдди. Бу ҳақда район ижроия комитети қарор чиқарди. Ҳозир маҳаллаларда ташкилий ишлар амалга оширилмоқда, — дейди депутат.

Яқинда «Авайхон» номи маҳалла аҳли унинг фаолларини сайлашга тўғри келди. Ҳамма бир овоздан маҳалла комитетининг раислигига 3. Нурхўжаев номинини кўрсатди. Бу албатта сайловчиларнинг депутатга бўлган катта ишончидан далолат эди.

Депутатнинг ён дафтарчасида талаб ва истаklar битилган ёзувлар жуда кўп. Улар мактаб ва боғча, болалар поликлиникаси, манший хизмат кўрсатиш уйи, бозорча ва магазинлар қурилиш ҳамда транспорт масаласидаги битиклардан иборат. Бу албатта асосийлари. Қолган майда-чуйда истаklar ҳам кўп.

— Шулардан ҳозирча бир нечасинигина ҳал эта олдик, ҳоло, — дейди 3. Нурхўжаев.

— 1-маршрут бўйлаб қатновчи такси йўли узайтирилади. Ҳозир у даҳа аҳолисини қалин жойлашган охири нуртагача борандиган бўлди. Манший хизмат кўрсатиш комплекси қурилиши эса келгуси йил планига киритилди. Шаҳар архитектура шаҳарсозлиги Бош бошқармаси томонидан бўлажак комплекс лойиҳалари тайёрлаб берилади. Даҳада бозорча ташкил этиш ҳақида ҳам район ижроия комитетидан рўхсатнома олинди. Ҳозир бозорча учун ажратилган майдон тегишлини, асфальтдан чиқариламоқда.

Магазин қурилиши эса бошлаб юборилди. У даҳаданг 383-болалар боғчаси

рўпарасида бунёд этилмоқда. Бу ерда бир йўла озиқ-овиқат, саноат моллари ва сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилувчи комплекс қад кўтарди. Бинонинг иккинчи наватидан эса маҳалла комитети идораси ва унинг учун лозим бўлган хоналар ўрн олади.

— Биз депутат ҳақида фикр билдиришни сўраб Улуғ Батан уруши қатнашчиси С. Усмонов, Н. Азимов, Н. Мухаммадваллардан сўрадик. Улар 3. Нурхўжаевдан миннатдор эналликларини нэхор эттидик.

— Биргина маҳаллани ташкил этиш учун озмуноча ҳаракат қилмади у. Яна бунинг устига турли қуришлар ҳусусида елиб-югурди, тилиб-тинчимайди. Очқў, унинг сатийи ҳаракати билан даҳамиз қарқайди анча тартибга келиб қолди, — дейишди улар.

3. Нурхўжаев район Советида ташкил этилган социалистик йонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиянинг аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатишти. Комиссия аъзолари сентябрь ойида бўлиб ўтадиган район Советининг учинчи сессиясини кун тартибига жинотчиликка қарши кураш масаласини ҳам киритишди.

— Яқинда комиссиямиз райондаги участка милициялар иш билан танишиб чиқдик, — дейди бизга 3. Нурхўжаев. — Тахминий ҳисоб-китобларга кўра 6—7 миғ одам учун битта участка назоратчиси тўғри келаркан. Бунинг устига уларда ҳеч қандай транспорт йўқ. Фақуллода ҳодисалар, оператив топшириқларга шунинг учун ҳам ўз вақтида етиб боришолмайди. Қолаверса, баъзи назоратчиларнинг ўз ишига совуққонлиги ҳам жинотчиликнинг ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Улардан аҳоли ҳақини равишда норози бўлмоқда.

Депутатнинг таржиман холи ҳам ўндак содда ва оддий. 1956 йилда Тошкентда туғилган. 10-синфини тугатгач ҳарбий хизматга қадрланган. 1983 йилда ишлаб туриб алоҳида электротехника институтининг нечки бўлимининг битирган. Ҳозир у жумҳурият Ички ишлар вазириликнинг алоқ тўзатиш бошқармасида ишлайди. Ондали.

М. КОМИЛЖОНОВ.

(ЎзТАГ).

Хориждан хабарлар

☉ КОҲИРА. Бағдодда Ироқ — Судан — Ливия музокара-лари бўлди, деб хабар қилди МЕНА агентлиги. Музокарада Ироқ президенти Сааддам Хусейн ва Судан миллий нахот киниклиби қўмондонлиги қанғанининг раиси Умар ал Башир иштирок этидилар, улар музокара-ларнинг ёниқ даврасини ўтказдилар, сўнгра уларга халқ Ливияси Социалистик араб жамаҳирияси иккилоб раҳ-бариятининг аъзоси Мустафо Халлуш қўшилди. Улар араб-лареро ва халқро майдонда-дега яқолини, шунингдек бу мамлакатлар ўртасидаги қар-дошлик муносабатларини му-ҳокамга қилдилар, деб эълон қилинди Бағдодда.

☉ ДЭҲЛИ. Жумҳуриятнинг нефть қазиб чиқарадиган энг йirik районларидан бири — шимол-шарқдаги Ассам беш-тида керосин, бензин ва бош-қа нефть маҳсулотлари энг тақчил товарлар бўлиб қолди. Бензин сотиш жойларида са-росима бошланди. Нархи ик-ки баравар ошган керосинни фият чайқов бозоридан то-пиш мумкин. Бу Ассамдаги нефть қонларини Хиндустон-нинг шимол-шарқи ва шимо-лидаги нефтин қайта ишловчи заводлар билан боғловчи нефть қувури йн бир кундан буён тўсиб қўйилганлигининг оқи-батидир. Бу ишни талабалар-нинг Умумассам уюшмаси ту-даларининг аъзолари ташкил этидилар. Миллатчилар штедан «хорижий фўқароларни» — Непал ва Бангладешдан келган қонқонларни, шунингдек ма-лялактинг бошқа районлардан кўчиб келган кишиларини чи-қариб юборгани талаб қилмоқ-далар. Талабалар Умумассам уюшмасининг таъкидлашчи

улар ёшларни иш жойларидан маҳрум қилмоқдалар, тарқ-қиб жиҳатдан Хиндустоннинг бошқа жойларидан орқда қолган минтақанинг иккинчи-иқтисодий муаммоларини кес-киналашгирмоқдалар.

Нефть ва химия вазири Ма-лянти Гурупадасами мақла-латининг шимол-шарқдаги ет-тикта шат боз вазирилар би-дан Гауһатти шаҳрида шо-шилик учрашувда сўзлаб, нефть қувурининг тўсиб қўй-лишдан етган зарар 800 мил-лион рупийни ташкил этиган-лигини, жумҳурият бир мил-лион тонна хон нефтин кам олганлигини айтди.

☉ КОҲИРА. Исроил қўши-қларининг босиб олинган Йор-даниянинг гарбий соҳили ва Ғазо минтақасида фалестин-ликларнинг оммавий намойиш-лари қатнашчиларига қарши жазо чораларини амалга оши-риш чоғида бир фалестинлик ўлдирилди ва 35 киши жардор бўлди, деб хабар қилди МЕНА агентлиги. Ғазо шайхи даҳала-рида ва фалестинликларнинг

берганлиги туфайли ҳукумат илтимос қилишга мажбур бўл-ган. Гап шундаки, нефть нар-хи ҳозирги даражада қоладиг-ан бўлса Шри-Ланка жаҳон бозоридан сотиб олинмаган «қора олтин» учун 260 мил-лион доллар ўрнига 370 мил-лион доллар тўлашга тўғри келади. Одатда хоожида иш-лайдиган шри-ланкаликлар мамлакатга ўтказадиган 300 миллион доллар ўрнига бу йил атиги 40 миллион доллар пул келиши ҳам аҳолини чи-ғаллашгирмоқда. Шундай қи-либ, деб ёзда рўзнома, тў-лов Билансдаги ҳозирги ке-ломдага энг 6 миллиард Шри-Ланка рупийсини қўишш керак.

Агар молиявий қийинчилик-лар Ироқнинг Цейлон мойи ян-ги туркумларини сотиб олишга имкон бермаса, мамлакатнинг алмаштирилмаган валютадан кўрадиган зарари тағин ҳам ортади. Ҳозирги вақтда уну-ман четга сотилаётган чойнинг 20 фоизи ана шу мамлакатга тўғри келади.

Шри-Ланка аҳолисини Форс кўрфазини райондаги воқеалар оқибатида юз берган валюте-лик қийинчиликларини ҳозир-роқ ҳис этмоқда. Нарх-наво қимматлашди, ҳукумат автобус-лар ва темир йўлларда кир-а ҳақи ошириганлигини эълон қилди.

(ТАСС).



☉ Гарбдаги оммавий ахборот агентли-ларининг хабарига қараганда, Саудия Ара-бистонининг Ироқ билан чегарасида Аме-рика қуролли кўчларини қўлайтириш да-вом этаётти.

☉ СУРАТДА: АҚШ қўшинларининг таби бу-лиммас Саудия Арабистонининг Ироқ би-лан чегараси ҳудудига.

АП — ТАСС телесурати.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ
ДОИМИЯ КОМИССИЯЛАРИДА

Низом лойиҳаси муҳокама қилинди

Маҳалла, уй қўмиталари ва жамоатчилик билан ишлаш доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Комиссия аъзолари маҳалла (мавзе) комитетларининг Низом лойиҳаси бўйича тушган фикр-мулоҳазалар юзасидан мунозара юритдилар.

— Мен 5 кишидан иборат комиссия тузишни таклиф қиламан, — деди Киров район маҳаллалар ишени мувофиқлаштириш кенгашининг раиси К. Комилов. — Низом лойиҳаси рўномада эълон қилингандан бери аҳоли, маҳалла ва уй қўмиталари, фаоллардан Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ҳамда «Маҳалладош» рўномасига келган хатлар, билдирилган таклифларни ўрганиб чиқиб, тегишли ўзгартишлар киритиш зарур.

Бу фикрни бошқа ўртоқлар ҳам маъқуллашди. Шундан сўнг комиссия тузилиб, қайта тайёрланган Низом лойиҳасини яқин кунларда шаҳар Совети Президиумига тақдим этишни келишиб олдилар.

Мажлисда пойтахт маҳаллаларининг 1 Қурултойи, шунингдек кўч тартибидоги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ленин районидagi 7-мавзе қўмитаси томонидан фаолият юритишга шароит йўқлиги ҳақида ёзилган ариза муҳокама қилинди. Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Президиуми аъзоллигига Киров районидagi Ғ. Абдуллаев маҳалла қўмитасининг раиси Қ. Зокировнинг номзодини тавсия қилдилар.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.



Тотувликда ўтаётган умр

...Уша кунни уйга кайфиятим тушиб қайдим. Наҳотки арзимаган нарсаларни деб бир оила жар ёқасига келиб қолса, деган савол қийнади. Бунинг устига суд раиси аразчи эр-хотинлар ҳақида мақола ёзишимни қайта-қайта илтимос қилди. Нимани ёзаман, ўртада бўлиб ўтган жанжаллими ёки оилалар бузилиб, фарзандлар етим бўлиб қолишга тинчми? Бу ҳақда кўп гапирилапти, аммо ажрашиш камаймапти. Бунинг сабаби нимада?

Шулар ҳақида ўйлаб маҳалладан ўтиб бораётганим кўча ёқасидаги дарахтнинг соясида дам олиб ўтирган Аъзамжон ака ва Ҳуснижамоил аялар қаҳриб қолди.

— Хомуш кўринасиз, — деди Аъзамжон ака гап орасида, — уй иччиларингиз тинчми, ўзи?

— Менинг-ку оилам тинч, шукр, — дедим қўлимсираб ва судда ўзим гувоҳ бўлган бир оиладаги келишмовчилик тўғрисида гапириб бердим.

— Эр-хотиннинг мурасаси келишмаяптими,

деман иккаловидаям айб бор, — деди Ҳуснижамоил ая куйинчақлик билан. — Рўзгорни баравар тебратмас эканлар, оила дарз кетаверади. Аҳиллик — яшашнинг асосий шarti, деб ўйлейман.

Сухбатимиз қизиқ кетди. Мен суҳбатдошларим 40 йил бирга умр кечирганини билиб олдим. Бу вақт ичида улар не-не қийинчиликлари бошларидан кечирмади, дейсиз. Уй қуриш, рўзгор ташвишлари, 12 фарзандни тарбиялаб, вояга етказиш... Эҳ-ҳе, буларнинг барчасини айтишга осон, холос. Ҳозир 3 ўғил ва 4 қизни уйли-жойли қилишган, 22 неваранинг бобоси, бувиси бўлишди.

Ҳасановлар оиласи А. Икромов районидagi «Янгиобод» кўчасида бахтли турмуш кечирмоқда.

З. ҲАЙДАРОВ.

СУРАТДА: Аъзамжон ака ва Ҳуснижамоил аялар бир пилла чай устида суҳбатлашишмаяпти.

Муаллиф сурати.

Сизда қандай янгилик бор?

«Янги шаҳар» маҳалласида ҳашар йўли билан қурилган новвойхона ишга тушди. Ҳозир унинг хизматидан «Марказ — 26» ва «Марказ — 27» даҳаларида яшаётган аҳоли ҳам фойдаланмоқда. Бўрсилдоқ оби нонлар артабалик нуноштага тайёр бўляпти.

Октябрь район ошхоналар трести «Фаол» маҳалласининг эҳтиёжи учун 30 та стол-стул, 200 метр поёндоз, чайнак-пивлалар тақдим этди. Гузарда ҳар кун шўрва, мошхўрда, суяқоши каби миллий таомлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Ҳафтада бир марта уруш ва меҳнат кексалари учун бепул нуношта ташкил этилади-ган бўлди.

Шу маҳалланинг талаби билан ҳўл мева ва सबзот билан савдо қилувчи янги дўконча фойдаланишга топширилди. Кунни кеча бу савдо шохобчаси харидорларга хизмат кўрсата бошлади. Энди маҳалла аҳли ҳўл мева ҳамда सबзот сотиб олиш учун «Октябрь» ва «Олой» бозорларига қатнаб қийналишмайди.

«Кўкча» даҳасидаги Омонгелди 2-тор кўча ва Солиҳ Муталибов кўчаларида яшаётган аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ёмон аҳволда эди. Сабаби бундан 30 йил илгари ўтказилган қувурлар занглаб, қириб, яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Яқинда тarmoқлар бутунлай янгиланган жўм-ракларга сув келди.

Д. РАУПОВА.
Октябрь райони.

Кенгаш мажлиси

А. Икромов район маҳаллалар ишени мувофиқлаштириш кенгашининг кенгаширилган йиғилиши бўлиб ўтди. Район раҳбарлари, корхоналарнинг вакиллари, 32 та маҳалла қўмиталарининг фаоллари иштирок этган мулоқот давомида долзарб масалалар муҳокама этилди.

Район маҳаллалар ишени мувофиқлаштириш кенгашининг раиси С. Мирзаев, Тошкент шаҳар маҳалла, уй қўмиталари ва жамоатчилик билан ишлаш доимий комиссиясининг раиси Ш. Темуров, Чўпон ота маҳалла қўмитасининг раиси А. Очилов, ва бошқалар сўзга чиқиб, тўй ҳамда маросимларни ихчамлаштириш, миллий урф-одатларни тиклаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилиш қатнашчилари районда ободонлаштириш ойлани ўтказиш, «Оқ тезда» даҳасида мувофиқлаштириш кенгашининг марказини буғд этишга келишиб олдилар.

С. БОЗОРБОВ.

Хайрли ишнинг натижаси учун

МАҲАЛЛАЛАРДА партия ташкилотлари тузила бошлагани ҳақида хабар бериб турган эдик. Улар фаолияти қандай бошланмоқда, аслида керакли нарсам, моҳияти нимада ўзи! Мавзунинг зинтида қўлла-нила бошлаган бу усул ўзини оқлармикин! Тошкент шаҳар партия комитетининг котиби Ҳ. М. Абдураимов билан худди ана шу худудий партия ташкилотлари мавзусида суҳбатлашдик.

— Шаҳар партия комитети бунни керак, айни пайтда долзарб масалалардан бири деб қарайди. Маълумки, ҳозир муаммоларнинг аксарияти жойларда, Корхона, ташкилотлар ишга партия комитетлари киришиб кетган, ҳар хил муаммоларни ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшади. Лекин одамлар турар жойларида муаммолар ечилиши анча ва шундай бўлса-да мураккаб. Уша ерда яшовчи партия аъзолари тarmoқ ҳаракат қилади, уларга ташкилий бирдамлик етишмайди. У ерда кўча тазалигидан тортиб, турли ижтимоий масалалар, бола тарбияси ва ҳоказо муаммолар бор. Шу пайтгача маҳаллаларда, даҳаларда бунга етарлича эътибор берилмай, оқибатда муаммолар кўлами кенгайиб кетади.

— Ҳотам Маҳкамович, партия ташкилотининг вазифаси жойларда муаммоларни

ҳал этиш экан, бу райиқроқўмларининг иш-ни бажариш эмасми!

— Йўқ, бу ерда масалага бошқача ёндашилади. Одамларнинг оммавий ишга ёндашиш биринчи галга қўйилади. Корхоналар олин, тадбиринг, муаммоми сиёсий куч атмосфера тўпланган ҳолда уюшиб ишлайди. Турар жойларга ҳам худди шу керак. Демак, район партия комитетлари турар-жойлар билан яна ҳам жипсроқ ишлагани имкон яратади. Бу ўз ўрнида масалаларни тезроқ ечишга кўмаклашади. Худудий партия ташкилотларининг яна бир муҳим томони — корхоналар билан биргаликда одамларга касб ўргатиб уларни иш билан таъминлаши мумкин. Корхона ҳам моддий томондан қувватлаб, оталиққа олса бўлади.

— Мазкур партия ташкилотлари албатта Устав бўйича иш кўрадилар. Улар фаолияти қандай кузатилади!

— Табиийки, турар жойларда шаҳарком, райком аъзолари бор. Улар ишдан кейинги жамоатчиликдаги фаолиятини ўз уйларида давом эттирсалар мақсада мувофиқ бўларди. Ҳозирча кўпчилик бир районда яшаб, иккинчи бир районда ишлайди ва ўша жойда партия ҳисобиде туради. Ана шундай тарқоқликнинг барҳам топиши кўзда тутиляпти. Бунини ишлаб турган партия ташкилотларига зарар етказмай қилишимиз

лозим.

— Демак, райком аъзоси бирдангина икки жойда ҳисобда турар эканда!

— Умуман аслида партиянинг ҳамма юқори органларига сайланган коммунистлар яшаш худудларида шундай ишларга астойдил киришиши зарур.

— Ҳотам Маҳкамович, ҳозирга келиб шаҳримизда район партия комитетлари бу масалада қандай режалар ишлаб чиқдилар. Худудий партия ташкилоти тузила бошлаган мавзе, маҳаллалар қайси районда яхши йўлга қўйилган деб ҳисоблайсиз!

— Илгаригидек ишни қозоғга туширилган режага қараб баҳоламайлик. Қозғозликни камроқ қилиб, одамлар билан маҳалла мавзуларида маслаҳат олиб бориляпти. Муҳими кўпчилик бу иш кераклигини тўққизлапти. КПСХ XXVIII съезиде ҳам партиянинг ишни жойларда амалга ошириш масаласи қўйилган эди.

Шаҳар партия комитетининг котиби айтиб ўтганидек худудий партия ташкилотларини тузиб қўйиш билан келамаслик керак. Ташкилот чинакамга амалда ишлаши учун шароит ҳам яратилмоғи зарур. Шунингдек, шундай хайрли ишнинг натижаси учун ҳамма бирдек қурвасе, масъулият билан жиддий ёндашса қўзланган нарсалар албатта эришиш мумкин.

Ф. АСҚАРОВА.

Жамоат ишига вақт топади



— Абдурашиднинг сўраяп-
сизми? Умридан барока топ-
син, маҳаллага жонкуяр, кў-
лидан келган ёрдамнинг ая-
майди. Уни барчамиз хур-
мат қиламиз...

С. Раҳимов райондаги
«Октябрь 40 йиллиги» ма-
ҳалласининг бир гуруҳ ота-
хонлари суҳбат чоғида эни-
либ кетишди. Бештиёр кўн-
глимиздан «Хар бир инсон
ўзи яшаётган жойда ана шу-
дай хўрмат-эътиборга эга бў-
лсин», дея ният қилдик.

Абдурашид Урта Осиев
минерал хом ашё, нефть ва
газин илмий текшириш олий-
гоҳида участка бошлиғи бў-
либ ишлаб келаяпти. Кўп
вақти экспедиция ва коман-
дировкаларда ўтишига қар-
рамай, маҳаллани ободон-
лаштиришга яқиндан ёрдам
беради. Айниқса хонадонлар-
ни газлаштиришга бош-қош.

— Қизилқум саҳроларида
жазирама ёз ва 35-40 дара-
жа совуққа қарамай, қиди-
рув ишларини олиб борган-
миз. — деди у биз билан
суҳбатда. — Бу изланмилар
беҳуда кетмади. Олмалик,
Қизилқум, Қашқадарё ноҳа-
си ва бошқа жойларда кут-
тилгандан кўп олтин, мис,
кўрғош, газ, нефть каби
ер ости бойликларини топи-
ди. Жумҳуриятимиз ҳудуди-
да ҳали конлар беҳисоб.
Шунга қарамай, ахсарият
хонадонларга газ киритил-
маган.

Абдурашид қаерда бўлма-
син, одамлар тақдири, фаро-
волик ҳақида ўйлайди. Умр
йўлидан Саломат опа билан
тотув турмуш кечиряшляпти.
4 фарзанди замонамизга
муносиб кишилар қилиб тар-
бияланди. Ҳозир Маҳфуза
ва Нодира — шифокор. Аб-
дулла маиний хизмат соҳа-
сида ишлаётган бўлса, Дил-
фуза олий ўқув юртида таъ-
лим олмоқда.

Маҳалла фаоли, геолог-
муҳандис, эл юрт орасида
обру қозонаётган А. Абду-
мавлонов табаррук 60 ёшин
қаршилади.

Х. ИҶЛДОШЕВ.

«Тошкентнинг эски шаҳар қисмида социал шароитлар
айниқса оғирлигича қолаётир. Тарихан таркиб топган рай-
онларда яшаётган 400 мингга яқин киши канализациядан,
иссиқлик ва газ таъминотидан, телефон алоқасидан фой-
даланиш имкониятига эга эмас». XXVII Тошкент шаҳар
партия конференцияси мунбаридан бу сўзларнинг янгра-
ганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Маҳаллалардаги иж-
тимоий муаммолар жиддийлиги ҳисобга олиниб, шаҳар пар-
тия комитетининг ташаббуси билан бу йил 1991 — 1995
йилларда «Тошкент шаҳрида турмуш таъминотини тубдан
яхшилаш ҳамда шаҳар тарихий районларини таъмир қи-
лиш жаддаллаштириш соҳасидаги биринчи навбатдаги
чора-тадбирлар тўғрисида «Ўзбекистон Компартияси Мар-
казий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиу-
ми ва Министрлар Советининг қарори» эълон қилинди.

ЮҚОРИДАГИ қарор эъ-
лон қилинган, маҳалламиз
аҳли билан уни чуқур ўрга-
ниб чиқди ва ушбу ҳужжатга
суянган ҳолда яқин келая-
жакда банариладиган ишлар
режасини туздик. Очтинги
айтмоқ керак, маҳалланинг
номи «Обод» бўлгани билан
ўзи обод эмас. Ҳамон аҳоли
каналзация, иссиқлик ва
газ таъминоти йўқлигидан
нолийди. Шунга кўра сув қу-
вурларини янгилаш, газлаш-
тириш ва канализация ишлар-
ини жаддаллаштириш, кўча-
ларни янгидан асфальтлаш
каби долзарб ишлар босқич-
ма-босқич амалга оширилади.

Ҳозиргача бажарилган иш-
лар ҳам оз эмас. Хўш, улар
нималардан иборат? Кўп бо-
лади оилаларга хизмат кўр-
сатадиган дўкон ишга туши-
рилди. Аҳолини ҳафтада ик-
ки марта сут маҳсулотлари
билан таъминлаш йўлга қў-
йилди. Маҳалла гузаридидаги
бинолар тўла таъмирланиб,
фойдаланишга топширилди.
Маҳалла уйлариининг макети
ишлаб чиқилди.

«Маҳалла» дастурига мил-
лияд маҳаллаларнинг кўп йил-
лар давомида шаклланган
муносабатларини, кенг тар-
киб топган урф-одатларини,
тўплаган бой тажрибаларини
ҳисобга олиб, маблаг ажрат-
ишга тўғри келади. Бунинг
учун канализация, водопро-
вод, газ, телефон туширишни
комплекс амалга ошириш ло-
зими. Шу ўринда кўндан бери
ўйлаб юрган бир таклифни
ўртага ташламоқчиман.
Электр қуввати кабель орқа-
ли узатилса, симёчлар иқ-
тисод қилинади, бемалол ме-
вали ва мевасиз дарахларни
кўчаларда ўстириб, экология-
ни яхшилаш мумкин. Ери-
тиш шохобчаларини уйлари-
нинг пештоқига ўрнатиш ло-
зими. Бундай ероти комп-
лексларини катта кўчаларда
бир неча асрларга мўлжал-
лаб марказлаштириб қуриш
керак. Агар ер ости комп-
лексининг эни 6-8 метр бўлса,
унинг ичига канализация,
кабель симлари, водопровод
ва газ қувури, телефон сим-

ларини ҳам жойлаштириш
мумкин. Унинг ичиде юра-
диган кичик ҳажмли транс-
порт йўлини ҳам ҳисобга
олиш зарур. Бундай комп-
лексни қуриш вақти етди.
Хар йили оз-оздан қуриб бо-
рилса, бир неча беш йиллик
да бутун шаҳарда бундай қу-
рилиш ниҳоясига етади. Кў-

Маҳаллалар ишнини ривожлантириш масалаларини қамраб
олган бу ҳужжатнинг қабул қилиниши айни мудоао бўлди.
Мазкур дастур мутахассислар томонидан кенг қўлама
муҳокама этилди, меҳнат жамоалари ва жамоатчилик
таклифлари асосида бойитилди.

Шаҳарнинг тарихан таркиб топган қисмини таъмирлаш
ва ривожлантириш, у ерда яшаётган аҳолининг турмуш
таъминотини тубдан яхшилаш учун махсус «Тошкент тик-
ланиш» қурилиш трести тузилди. Бу мақсадларга «Ма-
ҳалла» дастурига биноан 700 миллион сўмга яқин маб-
лаг ажратиш кўзда тутилган.

Хўш, пойтахтнинг эски шаҳар қисмида бутун қандай
ишлар қилинмоқда? Муаммолар нималардан иборат? Қў-
йда ана шу ҳақда фикр юритишга ҳаракат қилдик.

БЎЗЧИ белбоққа ёлчимай-
ди, деганларича бор экан.
Заминимиздан «зангори
олов» чиққанига қанча вақт
бўлганлиги ҳаммага аён. Ле-
кин эски шаҳардаги кўнгина
хонадонлар уйлариини хали-
гача даққиқоусдан қолган
усулда, ўтин-кўмир билан
исятади. Кўпинча буюртма

рилади, дейилганди. Лекин
бу йил бошида 1991 йилга
қолдирилганлиги айтилди.
Агар газ тезроқ ҳал этилса,
кўчаларимизни хунуклаш-
тириб ётган ахлат масаласи
ҳам бироз енгиллашган бў-
лур эди.

Маҳалламизда водопровод
бундан 30-40 йил олдин қу-
рилган, бинобарин қувурлар
ичи кумга тўлиб, чирганли-
ги ҳам маълум. Тегишли
ташкilotларга мурожаат
қилганимизда бу ерлар бу-
зилишини рўқач қилишляп-
ти. Ваҳоланки, «Маҳалла»
дастурига кўра эски шаҳар
бузилмаиди, балки таъмир-
ланади.

«Хуррият» ўтувида турли
йўналишдаги транспорт воси-
талари жуда серқатнов, йў-
лка йўқ. Кексалар, шунингдек
мактаб ва боғчага қатновчи
болаларнинг, айниқса, қиш-
да юришлари хавфли. Ўтув-
дан қатновчи йигирмага яқин
автобус йўналишини бирму-
нга қамайтириб, аҳолини бир-
оз енгиллатиш ҳақида шаҳар
ижроия қўмитасига мурожаат
қилдик. Лекин фойдаси бўл-
мади. Бундан ташқари ҳар
ер-ҳар ерда ёгингарчиликдан
сув ҳалқоб бўлади. Кўча ёқа-
сига нов ўрнатилмаганлиги-
дан, балчиқ аралаш сув берк
кўчадаги хонадонларга кир-
иб, иморатларга путур ет-
казмоқда.

Ҳа, айтаман деса гап кўп.
Халқимизга гамхўрлик қоз-
да эмас, амалда бўлиши ке-
рак. Дарвоқе, бўлажак ноиб-
лар ва уларнинг ишончли ва-
киллари Ўзбекистон ССР ва
маҳаллий Советларга сайлов-
лар ўтказилганига қалар ма-
ҳалламизга танда қўйишди,
энди эса қораларини ҳам қўр-
сатишляиди!

Хўшиддин Умарзода
НУРМУҲАММАД,
Собир Раҳимов райондаги
академик Обид Содидов ном-
ли маҳалла қўмитасининг ра-
иси.

СУРАТЛАРДА: «Хуррият»
ўтувдаги нохуш манзаралар.
М. ҲАКИМОВ суратлари.

Ечимини кутаётган муаммолар

Яна Эски шаҳар ҳақида

чаларда ер ости қурилишлар-
ини яқна-яқна ҳолда қуриб,
қайта-қайта бузиб тузатиш
оқибатида маблагларнинг миқ-
дори комплекс қурилишига
кетган сарф-харажатдан охиб
кетмоқда. Масалан, Самар-
қанд дарвоза кўчаси яқин
икки йил ичиде уч марта қав-
лаб қўмилди. Асадулла Хў-
жаев кўчаси қурилишининг
ўзида кабель учун уч марта
чуқур қавланди. Кабелни қў-
миш учун қанчадан-қанча ян-
шиқ ёғиш, тонна-тонна қум
ишлатилди. Комплекс қури-
лишини Магнитогорск, Киев,
Москва, Ленинград шаҳар-
ларидан ўрганиш керак.

«Обод» маҳалла қўмитаси
аъзолари ва фаоллари уйл-
ларни таъмирлаш, қайта қу-
риш юзасидан таклиф ва му-
лоҳазаларини ижрочи орган-
лар билан ўртоқлашмоқда-
лар.

Аҳоли билан ҳар то-
монлама мулоҳаза қи-
либ, фикрларга асосланган
лояҳа тайёрланди.



Н. ҲОЖИМАТОВ,
кекса ўқитувчи.

йўл билан келган кўмирнинг
40-50 фонзи майда, кукун
бўлади. Хонадон эгалари ку-
кунни ахлатхонага олиб чи-
қиб ташлашлари турган гап.

Аксари водопровод жўм-
рунлари бамисоли хўжақўр-
синга қурилгандек, сув кели-
шидан келмаслиги кўп. Кў-
чаларнинг қаерига қараман,
ҳар 150—200 метрида ах-
латхона. Машиналар турна
қатор қатнайверишидан ах-
латларни, айниқса ҳожатхо-
на қозғоларини учириб кета-
ётганини қўриб, таъингиз
тириш бўлади.

Маҳалламизнинг дарди
кўп. Аввало, ҳудудимиздаги
ота-буваларимиз бунёд этган,
бир пайтлар мусодарга қилин-
ган уч бино маҳалла ихтиё-
рига қайтарилиши лозим.
Биз шу масалада район ва
шаҳар ижроия қўмиталарига
муурожаат қилдик. Ҳозирча
бирон жўяли жавоб олгани-
миз йўқ. Бу бинолардан аҳо-
лига тиббий хизмат кўрса-
тишда, қариялар оромгоҳи ва
участка инспектори идораси
учун фойдаланишни мўлжал
қилганимиз.

Ўтган йили «Тошкент оқ-
шоми» рўзномасида маҳал-
ламизга 1990 йилда газ бе-



Поклигимиз—соғлигимиз

Умримизнинг ярмидан кўпини яшаган бўл-
сак илгари маҳаллаларда ахлат деган нарсани
кўрмас эдик. Шу кунларда эса қаерга борманг
катта-кичик ахлат уюмлари, магзава тўкилган
жойларга кўзингиз тушади. Хўш, неча шундай?
Уша уйлар, уша даҳалар, уша одамлар бўл-
са-ю, тутаётган ишимиз ўзгача?

Бу саволга жавоб топиш қийин эмас. Бир
пайтлар ҳовли четиде 6—7 метрли чуқур
каваланиб, кир ўра қилинарди. Одатда озан
берянтилиб, кичик туйнукча қолдирилган. Кир
ювилгач, магзава ана шу жойга тўкиларди.

Хонадонингизда кир ўра борми?

Ўра ўн йиллар давомида ҳам тўлмасди. Энди-
чи? Кўп жойларда магзава ариққа оқизилади
ёки кўчага сепади. Бунинг сабаби нимада?

— Ҳали кўп хонадонларга канализация қу-
вурлари киритилмаган, — деди Тошкент шаҳар
санитария-эпидемиология станциясининг врач
Уйғун Шорихиев, — Масалан, Октябрь рай-
онидеги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» маҳал-
ласининг аҳли ўз кўчлари билан қувурлар
ўтказиб, марказий канализацияга улашди.
«Тивчлик» маҳалласидегилар ҳам бу ҳайрли
ишни қўллаб-қувватлашди. Бошқа жамоалар

улардан ўрнал олишса озодагарчиликка эъти-
бор янада кучайган бўларди.

Соф ҳаводан нафас олишга нима етсин. До-
но халқимиз томонидан «Оқ бўлмас ҳам, пок
бўлсин» деган нақл бекизи айтилмаган. Шун-
дай экан, шаронт бор жойларда қувурлар ки-
ритилиши, агар иложи бўлмаса, каминга айт-
ганидек, эринмай ҳовли етигидан чуқур қав-
лаб, магзавалар унга тўкилса, покизалигимиз
таъминланади.

М. ҲАКИМОВ,
меҳнат кесаси.

Чехраларидан нур, ақл ёғилиб турган нуроний кексаларимиз яшаётган хонадонлардан файз, қут-барака, ҳамжихатлик аримайди. Бирор йўғин ўтказмоқчи ёки келажақ режаларини тузмоқчи бўл-сак, бошимизга мушкул иш тушса дарҳол дониш-

манд кексаларга маслаҳат соламиз. Уларнинг катта ҳаётий тажрибаси, доно ўғитлари албатта қўл келади. Маҳаллаларда отахонларсиз тўй-маъракалар ва бошқа маросимлар ўтмайди. Ҳаётда асосий суянчигимиз шулардир.

Донолар

дейдиларки...

© Кекса олиш — сайят, унга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди.
Ф. ЛАРОШФУКО.

© Ҳақиқий ҳаёт элик ёшдан кейин бошланади. Бу ёшда одам чинакамнига пишиб отиради, бошқалар ўр-нак olsa арзигулик хислатларга эга бўлади, бировлар-га сабоқ бўладиган нарсаларни тушуниб етади.
У. БОК.

© Қарилқнинг ўзига хос кўрки бор, бу кўрдан жўшқинлик ва эҳтирос эмас, балки сўнқлик ва таскин уфуриб туради...
А. И. ГЕРЦЕН.

© Ажиллар фақат аввал-ги табасум ўринларини кўрсатиб турсин.
М. ТВЕН.

© Еши олтишдан ошган одамга фақат битта маслаҳатим бор: ишлаш ва яна ишлаш!
А. ШВЕЙЦЕР.

© Қарилқ ранж, аммо нолмаган одамга у ганж-дир.
Ф. ВОЛЬТЕР.



Сергели райондаги «Қумарик» маҳалласида 27 нафар уруш ва меҳнат кексалари, шунингдек, табаррук ёшдаги отахонлар истиқомат қилишади. Қўмита раиси М. Муҳамедов (суратда чапдан тўртинчи) доимо улар билан бамаслаҳат иш кўрмоқда.

И. ШЕРБЕК сурати.

Ажойиб инсонлар даврасида

Дилкаш одам

— Анави кишини қаранг, хомтоқ қилипти, — деди дўстим. — Қани айтгинчи, шу одам сизнингча неча ёшларда?
— Олтишларга боргандирлар, — дедим бироз ўйла-ниб.
— Етмиш иккида — иккилоб тенгдоши. Кўпни кўрган, меҳнатнак одам...
Биз кўчанинг нариги тарафига ўтиб, отахон билан ҳол-аҳвол сурашдик.
— Узум бу йил жуда зўр бўладиганга ўхшайди, — деди дўстим ишқомга ҳавас билан қарар экан.
— Энди болам, парваршида эринмасанг, ҳосилини ейсан. Дарахт ҳам фарзанддек гап, ниҳоллигидан маҳкам туриб, вақтида хабардор бўлиб, меҳнатни аямаслик керак. Шундагина мева беради.
— Дарахт парваршини фарзанд тарбиясига жуда тўғри қиёсладингиз, — суҳбатга қўшилдим мен. — Фарзанд тарбия ҳақида кўп гапиримиз, қайғураимиз, аммо самараси сезилмайди. Бир нарсани билгим келади. Бундан 60 йил олдин ҳам беодоб, ноқобил болалар бормиди?
— Отахон қўлидаги тоққайчини курсичага қўйиб, бироз жим қолди.
— Ростини айтايми, — дедилар ниҳоят, — тўғрисини айтсам масалан мен туғилиб, болалигим ўтган Ғўзабозор маҳалласи (Кўналдош мадрасасининг орқа томони)да ўзимга тенгдош, кўшни болалардан бирорта ноқобил чиққанини билмайман. 13—14 ёшда эдим, шу Самарқанд дарво-за мавзасига қўчиб келганмиз. Ўша вақтларда бу ерда ҳам бирорта безори бўлмаган.
— У пайтлар ёш бўлгансиз, устига-устак ҳаммани ҳам танинмагандирсиз.
— Э, йўқ, ҳозирги вақтда кўп қаватли уйлارда қундуз кўни ҳам эшини қўлфлаб ўтириш одат бўлди. Илгари ҳамма маҳалладаги, теварак-атрофидаги одамларни та-нирди. Бир болага етмиш кўшни ҳам ота, ҳам она эди.
— Нега ҳозирга келиб тарбия масаласи оғирлашиб қолди? Сиз бунга нимадан кўрасиз?
— Назаримда, кўпинча масъулият деган нарсани унут-тиб қўймоқдамиз. Мана битта мисол: маҳалламиз томо-шаҳоҳида йўғин ўтказдик. Устача инспекторига: «Тар-бияси оғир неча бола рўйхатда туради?» — деган савол берилди. Ишонасизми, у жавоб бера олмади. Бизнинг «Йўғнобод» маҳалламиз ахли бир-бирини жуда яхши би-лади. Иссигимиз ҳам, совугимиз ҳам ўртада.
Бола тарбиясида ўтган марҳумларни хотирлаш, улар-ни эъзозлаш йўлидаги ҳаракатлар катта аҳамиятга эга. Битта мисол: Улғе Ватан уруши йиллари шу маҳалладан фронтга кетиб, ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатдик. Ҳалим оши берилди. Ҳамжихатлигимизни кўр-ган ўғилларимиз биздан ўрناк олиб, чойхона ва томоша-гоҳни таъмирлашни ўз зиммаларига олишди. Агар улар-га бошчилик қиладиган, ташаббускор одам топилса, барча муаммоларга ечим топилади. Бизнинг маҳаллада Носир ака Тўлаганов, Ҳамидхўжа Усмоновлар бундай ишларга бош-қош бўлишляпти.
— Ўзингиз-чи?
— Маҳалла кексалари Кенгагининг раиси сифатида барча тadbирларда масъуллиқнинг бир ҳиссаси менинг ҳам зиммамда.
Биз Ақром ака Ғуломов билан анча суҳбатлашиб қол-дик. Отахон билан хайрлашар эканмиз, бу дилкаш киши-нинг ёқимли чехраси, теран фикрлари анча пайтгача ёди-мизда қолди...

Д. МУРОДОВ.

УЛУГ Ватан уруши бошланганда Ўрта Осиё темир йўли бошқарма-си бошлиғининг буйру-ғи билан 2-депо комсо-мол-ёшлар бригадасини 171-ҳарбий санитар по-ездига кузатувчи қи-либ юборишди. Таш-кентдан тўғри Сталин-град шаҳрига сафарбар этилганлар орасида себзорлик Арслон ҳам бор эди. Йигитлар фронтда яралган ас-кар ва сипоҳиларни Кавказ курорт зонала-ридаги шаҳарларга эл-тиб қўя бошлашди.
— Бир кун 8 та фашист самолёти бом-бардимон қилиб, бир неча вагонларни яқсон қилиб ташлади, — ўз хотираларини эслайди Арслон ота. — Бир неча қуролдошим ҳа-лок бўлди. Биз ҳар-бий ошона вағони ва ошпазлардан ҳам ай-рилган эдик. Таом тай-ёрлашни билганим учун мени ошпаз қи-либ тайинлашди.

Шу тариқа ўзбек ўг-лони ҳарбий хизматни

Арслон ота

ошпаз бўлиб давом эт-тирди. Дастлаб вағон-да, кейинчалик эса кўчма ошхонада аска-рларга овқат тайёрлади. Ленинград - Во л х о в фронти бўйлаб ҳаракат қилаётган 52-полк, 3-батальон сафида тез-тез жангларга ҳам ки-риб турарди. Энг даҳ-шатлиси, — от-аравада кетайтиб орқаданми, олдинданми, тўсатдан отилган фашист ўқидан ҳалок бўлиш мумкин эди.

1943 йил, 15 ноябр-да уни Москвадаги сержантлар курсига таълим олиш учун юборишди. Ўқиниши би-тиргач, 2-Украина фронтдаги 65-армияда хизматини давом эттир-ди. Жуков қўмондон-лик қилаётган армия Харьков, Сумма-Пол-тава, Золото-Нощ ша-ҳарларини фашист бос-қинчиларидан озод қи-

лаётган эди. Арслон 95-полкнинг 3-батальо-нига старшиналик қила бошлади. Энди унинг вазифаси аскар йиги-тларни қурол-аслаҳа, кийим-кечак ва озиқ-овқатлар билан таъ-минлашдан иборат эди. Бир кун аскарлар-нинг ўқ-дориларини текшириб зовурларни айланиб юрган эди, ро-та командири қақириб қолди.

— Фашистлар 8 яшар қизчанинг қўлти-ғидан осиб қўйиб, ёқиб юбориш учун тағнига ўтин қалаштипти, — де-ди у дурбинда душман томонини кўзатар экан.
— Қизчани қутқара оласанми?
— Буюринг, ҳози-роқ жўнайман.

Унга учта аскар қў-шиб беришди. Фашист-лар тўпланиб турган бинога 30 метрлар ча-маси қолганда Арслон

ўрнидан туриб югур-моқчи бўлди. Лекин шу пайт миномётдан отилган ўқнинг бир парчаси қорнига тегиб, қаттиқ яраланди. У хушидан кетиб, ерга йиқилди. Госпиталда операция қилишди. Ўзига келганда аска-рларимиз кетма-кет ҳу-жум уюштириб, ҳаёти таҳлика остида қолган қизчани қутқариб қо-лишганини билиб олди.

Арслон Умаров фронтдан қайтганида кўксини Қизил Юлдуз ордени ва бир қанча жанговар медаллар бе-заб турарди. У 8 йил-дан ортқч Ибн Сино маҳалласига раислик қилди. Ҳозирги кунда эса уруш ва меҳнат кексалари кенгаши ра-исининг ўринбосари. Отахон 40 нафар уруш қатнашчилари ва ноғи-ронларининг турмуш шароитини яхшилаш, ўз вақтида озиқ-овқат таъминотлари билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшляпти.
Ш. САЪДИЕВ.

Сим орқали мулоқот

«БАРЧА ИМТИЁЗЛАРДАН МАҲРУММАН...»

(ГУШАҚДА «МАҲАЛЛАДОШ» ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИНИНГ НАВБАТЧИСИ МУХТОР СУЛЯИМОНОВ)

— Алло, бу «Маҳалладош» рўзномасими?
— Ҳа, эшитаман.
— Сизни «3-Чарх-Камолон» маҳалласидан Ка-юм Йўлдошев безовта қилмоқда. Ешим 84 да. Бир неча йилдан бери ноғирман, юрولмайман.
— Қандай ёрдам керак, отахон? Бемалол, тор-тинмай айтaverинг.

— Гапнинг очиги, ўғлим, давлатимизга меҳна-ти сингган. Ўрта Осиё темир йўлига қарашли тепловоз заводида, Пролетар район ички ишлар бўлимида, кейинчалик жумҳурият сановати нозир-лиги қошидаги ўт ўчириш командасида ишладим. Меҳнат дафтарчамни йўқотиб қўйганим шу кун-гача дашмон бераяпти. Тўғри, 1955 йилда Таш-кентдаги лампочка заводида ишлаётганимда ик-кинчи марта дафтарча очилди. Аммо қарилқ нафақаси тўлашга иш стажим етмапти. Тепловоз заводида обғимга гилдирча тушиб кетиб, майиб бўлганди. Утган йили чап обғимни кестиршига мажбур бўлдим. Бунинг устига қанд касалим бор. Хуллас, ҳеч қерга қимирлолмапман.
— Фарзандларингиз борми? Улар сизга қараш-майдами?


— Олти қиз, икки ўғлим доим иссиқ-совуғим-дан хабар олиб туришибди. Барчасининг бола-чақаси, ўз ташвиши бор. Киши кексайганда ҳа-деб болаларининг қўлига қараб ўтиришга ор қиларкансан.

— Отахон, ёрдам сўраб юқори идораларга му-рожаат қилдингизми?

— Бўлмасам-чи. Ташкент шаҳар давлат архив-ига бир неча марта хат ёздим. Октябрь ва Чилон-зор район ижроия қўмитаси, социал таъминот бўлими, район ҳарбий комиссариатларининг ха-барчи бор. Аммо ҳужжатим йўқлигини рўқча қи-либ, на қарилқ, на ноғирмонлик нафақасини бе-ришмаяпти. Энди умидим сизлардан. Наҳотки би-рор йўли топиламса. Қачонгача ҳужжат инсон кадр-қиммагидан устун бўлиб келади.
— Арзингизни мутасадди ташкилот раҳбарлари эътиборига ҳавола қиламиз.

— Раҳмат...
МУҲАРРИРИЯТДАН: Афсуски, Каюм Йўлдошев каби ҳужжат тўғриллолмай, имтиёзлардан маҳрум бўлаётган кишилар шаҳримизда талайгина. Уй-лаимизки, шаҳар мутасадди идоралардаги ўртоқ-лар уларга ёрдам қўлларини чўзадилар.

Чархпалак



Ўзбек Совет Қомусида чархпалакка «Ғирғоқ сатҳидан анча паст оқадиган ариқ ва анҳорлардан бир қадар юқорига сув чиқариш учун ишлатиладиган иншоот», деб тавсиф берилган.

Шаҳримизда чархпалакнинг пайдо бўлишини, канал ва ариқларнинг ёши билан тенгласа бўлади. Унинг йўқлиб кетиши эса айна бизнинг замонда, кишилик жамияти ривожланиб, инсонлар онги ўсган бир пайтга тўғри келди.

— Кайковус аригининг ҳар 50-100 метр ерида чархпалак бўлади, — деди нуроний отахон, меҳнат кексаси Н. Азизхўжаев. — Ўша кезлари зилот, тоза сув оқарди. Атрофдаги хонадонларнинг ҳар бирдан ариқча ўтган бўлиб, ичши, шунингдек, ҳовлидаги дов-дарахтлар ва гулларни сугоришда фойдаланиларди. Агар бир-икки жойда дамба қурилганини ҳисобга олмаса атрофдаги ҳамма ариқларга чархпалаклар ёрдамида сув чиқарилган. Кейинчалик одамлар Кайковуснинг лабигача уй қуришди. Энг ачинарлиси, тоза зилот сувга ахлат, чи-

қинди ташлаб булгата бошладилар.

Шу аҳволда оққан сувни ким ҳам ҳовлисидан ўтказарди. Оқибатда ариқлар кўмилиди, чархпалак билан ҳеч кимнинг иши бўлмади.

Шаҳримизда ичимлик суви етиштиришни аниқ. Қайсидир маҳаллада кундузи сув бўлмаса, яна қаердадир суткасига 2-3 соат келади, холос. Юқори қаватдагилар челақ кўтариб пастга тушишади, пастдагилар эса уй атрофидаги гулзорни водопровод суви билан сугоришадилар.

Сугориш ишлари учун ариқ ва каналлардан фойдаланилса, қанча ичимлик суви ниҳосод қилиншини ҳисоблаш қийин. Бироқ, таъминот бироқ бўлсада яхшиланади. Шу билан бирга ариқчаларда сув оқиб туриши шаҳар иқлимини мўътадиллаштириши таъин. Айрим жойларда электр сув тортич ўрнатса ҳам бўлар, аммо беминнат ишпо-отта нима етсин. Яхшилаб, мустақкам қилиб қурилган чархпалак 10-15 йил давомида тинимсиз ишлаши мумкин.

С. ШАМСИДИНОВ.

Сиз кўриб турган суратдаги чархпалак тўлиб сув оқадиган анҳорга ўрнатилган чигиринчи эслатса-да, аслида электр мотор ёрдамида айланади. Ариқ эса қуруқ, об-ҳаёт йўқ. Ошхонанинг номига мослаб, кўринишини, чиройини кўркемлаштириш учун қилинган. У пойтахтдаги анҳор ва катта ариқларга ўрнатилган, ҳозирда деярли учрамайдиган, илгари сугориш иншооти сифатида фойдаланилган, халқимизнинг фахри, заминга об-ҳаёт улашадиган чархпалакнинг рамзи деб ҳисобласа бўлади.

«Маҳалла» пайрови

(АСКИЯ)

ЮСУФБЕК АКА: Бекмуроджон ука, бир шаҳримиздаги маҳаллаларни айланиб чиқмаймизми? Кимнинг турмуши чиройли экан, зора «Янги Тошкент»ни кўриб, кўнглимиз кўтарилса. БЕКМУРОД АКА: Айтганингиз бўлақолсин. Аммо бир нарсага ҳайронман. Нима бўлди ўзи, қариганда «Янги ҳаёт» кўрмоқчимисиз, дейман.

ЮСУФБЕК АКА: Шундай ниятим йўқ эмас. Аммо сиз бирорларнинг маҳалласи билан ҳадеб мақтанаверманг, ука. Одамларнинг айтишича ҳали ҳам ўша «Тешик-қолқоқ»да эмишсиз, шу ростми-а?

БЕКМУРОД АКА: Сиз бироз янглишдингиз, маҳалланинг эски номи бу. Юринг, яхшиси сизга «Нодирани» кўрсатаман. ЮСУФБЕК АКА: Ажойиб маҳаллани тилга олдингиз. Мен катта кетишингиздан асли бу «Баланд қақир»дан келганов, деб ўйловдим.

БЕКМУРОД АКА: Бу жойда ширин сўз, баодоб одамлар яшайди. Менда ҳам ҳақл бор, қани юринг «Катта боғга», ўша ерда бирга-бир гаплашамиз, ака.

ЮСУФБЕК АКА: Қачон қарасам нуқул мени эски маҳаллаларга бошлайсиз. Негадир доимо йўлдан янгилишасиз, «Чархиқомолон».

БЕКМУРОД АКА: Сиз билан қатданам ҳамроҳ бўлдим-а. Қизик-қизик билан маҳаллаларга сайрга чиқдик. Ҳали сафаримиз тугагунча яхши танишиб оламиз, сизни бир «Шарқ ҳақиқати»да мақтайин.

ЮСУФБЕК АКА: Эътиборингиз учун катта раҳмат, ука. Ишқилиб йўлда «Ўқчи»га учраб қолманг, тагин.

БЕКМУРОД АКА: Ҳали саҳбатимиз тугамай мени бироз кўрқитаялсиз шекилли. «Новъза»да тоғни урса талқон қиладиган ўртоқларим бор.

ЮСУФБЕК АКА: Келинг, яхшиси аввал маҳаллангизни обод қилинг. Ҳадеб катталарга яқинлавермай «Рақатга» бориб, «Абдулла Авлоний»га орқа қилиб келдим денгчи, ана ўшанда биласиз оқ-қорани, ука.

БЕКМУРОД АКА: Ҳа, майли. Бу қисқа сайримизда Тошкентдаги кўлгина файзли маҳаллаларни ёдга олдик. «Маҳалла» пайровидан аския ҳам қилдик.

Энди кеч кириб қолди, бир «Зарафшон»да ҳордиқ чиқариб, уйга қайтсак, йўл юриб ҳам чарчадик.

ЮСУФБЕК АКА: Жуда яхши гап. Қани йўлдаги «Чош-тепа»га ҳам кириб ўтайлик, сўнг кечки овақатга...

Абдулла ТОЛИПОВ.

Муштарий

илтимосига кўра

Компот тайёрлаш

Ҳурматли муҳаррир! Ҳозир айна пишиқчилик пайти. Ҳўл мевалардан компот тайёрламоқчи эдим. Шу ҳақда маълумот беришингизни илтимос қиламан.

Д. УМАРОВА,
Сағбон кўчаси, «Кўштут» тор кўчасида яшовчи уй бекасси.

Компотни бир хил ёки турли хил мевалардан тайёрласа бўлади. Олма, нок, беҳи, шафтоли, ўрик, олхўри, олча, гилос одатда аввал қанд шарбатига қайнатиб олинади. Ер тут, қулунай, қовун, узум тарвуз компотга хомлиғича солинади. Жуда пишиб кетган олча ва гилос, қайнатилганда тез эзилиб кетадиган олма, пишиб ўтиб кетган нокни ҳам қайнатиш ярамайди, уларни зангламайдиган идишга солиб, устига тайёрлаб қўйилган қайноқ шарбат қуйиш, сўнгра компотни совутиб қуйиш керак. Компотни нордон қилиш учун унга лимон кислотаси қўшилади. Диабет касаллиги билан оғриб юрган кишиларга компотни қандсиз ёки қанд ўрнини босадиган модда қўшиб тайёрлаб берилади.

Турли хил мевалардан компот тайёрлаш учун олма ёки нокни қанд шарбатига алоҳида қайнатиб, оловдан олинади. Олмали илқ шарбатга ювлялган узум, нокли шарбатга эса пўчоғи ва уруғлардан тозаланган, майда қилиб тўралган тарвуз бўлақлари солинади. Иккала компот совутилади. Даструхонга тортиш олдидан меваларни вазачалар, салат идишлари, тақсимчаларга солиб, устига шарбат қуйиб беюлади.

250 грамм олма, 350 грамм нок, 150 грамм узум, 250 грамм тарвузга — 200 грамм шакар, 2 стакан сув.



«Оқлон» оқшомлари

(Суратли лавҳа)

Бу маҳалла ўз анъаналари, гўзал урф-одатлари билан Октябрь районига обрў қозонган. Жамоанинг ҳамжиҳатлиги туфайли хонадонларда тотувлик ҳукм сурмоқда, катта ободовчилик ишлари олиб бориляпти.

Маҳаллага берган киши саранжом-сарипталлик, қишлар ўртасидаги самийий ҳурматнинг гувоҳи бўлади. Оқшом чоғлари кўчаларга сувлар сепилиб, теварак-атрофнинг чиройи янада очилади. Бир сўз билан айтганда, «Оқлон» гуллаб-яшнамоқда, фойз қўшилмоқда.

СУРАТЛАРДА: район ижроия қўмитасининг вакиллари маҳалла фаоллари билан келгуси режалар ҳақида ўртоқлашяпти; участка инспектор, милиция майори Р. Раимов ва қўмита раисининг ўринбосари Р. Турсунов ёшлар тарбияси бўйича фикр алмашмоқдалар; оқшом чоғлари чойхона ана шундай гавжум бўлади.

Р. Альбеков суратлари.

ТОЖИВОЙ ТАЖАНГ ШАҲАР КЕЗАДИ

Бошни қотириб ўтиришармиди

Уйимизга Бухородан келган меҳмонни кузатиб, «Самарқанд» автостанциясига борган эдим. Бироз тамадди қилиб олмоқчи бўлдик. Не кўз билан кўрайки тамаддиҳона тепасига «Сосиска хона» деб ёзиб қўйилди.

— Наҳотки таржимасини топишолмаган бўлса, — ҳайрон бўлиб суради дўстим. — Ҳеч бўлмаса «Тамаддиҳона» деб ёзиб қўйиш қийин эмас-ку.

— Бошларини қотириб ўтиришармиди, — суҳбатга қўшилди ёнимизда овқатланаётган аёл. — Ўзбек тилига ўнг-

риб ўтирмай кўчириб қўйишдан осонинг йўқ.


Таълим тирриқ бўлса ҳам дўстимга билдирмадим. Уни кузатиб, келинбойнигиза ёзиб берган рўйхат бўйича «Октябрь» бозоридан майда-чуйда олмоқчи бўлганимда шундай киравернишда яна шундай ёзувга кўзим тушди. Янги очилган ошхонага «Сосиска хона» деган ёзув идиб қўйилди. Қисқаси, қўлимга қалам-қоғоз олишга мажбур бўлдим...

Тоживой акага В. ТУРҒУНОВ ҳамроҳ бўлди.



СУРАТДА: «Самарқанд» автостанциясидagi тамаддиҳона ақс эътирилган. М. Ҳақиялов сурати.

ОДОБИТОМА



84 ёшли Талиб ота Салимов фарзандларига доим бир гапни ўқитганлари-ўқитган: ақлли-хушли, эл хизматига ҳозир у нозир турувчи ҳақиқий инсонлар бўлинглар. Оталар сўзи — ақлнинг кўзи, деганлари шу-да! Т. Каримов сурати.

БУ хонадон соҳиблари ҳақида гап кетганда маҳалладошлар ҳурмат билан тилга олишади. Таниш-билишлари, яқинлари уларга ҳавас билан қарашади. Бир-бирдан ақлли ва меҳнаткаш ўн бир нафар ўғил ва қизни тилларидан бол томиб мақташади. Яқинда бу табаррук хонадонда яна бир шодёна, яъни чин фарзандлари Фазлиддин ва келинлари Гулбаҳорларнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Ва яна энг муҳими ушбу табаррук онла соҳиблари Қўбиддин ота ва Охиста ая Ҳамазаевларнинг турмуш қургандарига 45 йил тўлди. Бу яхши бадавлат оиланинг манзили эса Октябрь районидagi Солиҳ Муталибов кўчасида.

— Келинларимдан айланай, олтиовим эсли-хушли, — дейди Охиста ая. — Бир-бирдан одобли, чаққон, қўни-қўшнилари билан муомалада ҳаёли. Қизларим бешта эди. Вуғунга келиб кенжа келин билан бирга ўн битта бўлишди. Гулбаҳор ҳам келган кундан бошлаб «Ойноқ, дадажон» деб эъвозлайди. Бирор юмушни нотўғри қилиб қўйса «Вой, ойноқ, билмаман-а», дея хижолат чекади. Агар уйда мен йўқ бўлсам дарров оналаридан сўраб ўрганиб олади. — Охиста ая, ҳозир кўзлар фақли. Мустақил ҳаёт бўсағасида турган ҳар бир киз кўнглида қандайдир ҳақ ва биттагина ниёт — бахтли бўлишни орау қиладилар. Сизнингча ёш келин ялқ қадамни қандай бошламоғи керак?

— Қизлар келинлик даври умрининг энг лаззатли оиларидан бири эканлигини унутмасликлар лозим. Эрталаб барвақтқор туриб қайнона-қайнонага ҳурмат билан салом бериш ва улардан ҳол-аҳвол сўраш келинлик зийнати. Ҳақни ёни ишга кетгунча у ён-ён ёнларини йиғиштириб, нонушта ҳозирлаш, биргаликда хушхавоқлик билан бир дастурхон атрофида овқатланиш завқи ўзгача. Келинчақ ўзининг уй ишларига эътибор бўлиши, хушодоби, зийраклиги, фаросатлиги каби фахриятлари билан қайнона-қайнона олдига ҳурмати ошади. Бундан ўзининг дили ёруғ, юзи чароғон бўлади.

— Бир ҳовлида тўрт онла турар экансизлар. Бу ўзаро муноса-

бувалари билан яшаган набиралар соғломроқ, оқибатлироқ бўлиб ўсади. Қизларимга ҳам худди шу гапни доимо қўлоқларига қўяман. Узатган қизларим уйимда узокроқ меҳмон бўлиб қолиша хавотирланман. Ҳаммаининг ҳам ўз уйида тинчлигини яхши, бўлар-бўлмас гирра-гирра келаверганининг ҳам ҳосияти бўлмайди. Ойласидан би-

рор гап кўтариб келадиган бўлсалар айбни ўзларидан қидираман... Қизларим ҳам шунга ўрганган. — Пир у бадавлат онлардан биринчилар. Фарзандларингиз тоганини тўрт томондан тутишади. Лекин мана шу оёқингизга қамтар ҳаётингизда рўзгор тўфайлими, фарзандлар баҳонами ё бошқа бирор сабаб келишмовчиликлар бўлганими?

— Тўғри, ўн бир фарзандли волега етказиш осон бўлмайди, албатта. Ҳар қандай пайтда ҳам сабр-тоқат билан иш кўриш керак. Оғирчиликдан, меҳнатдан қочмади. Бор нарсани эҳтиёт қилди. Болаларнинг каттасининг кийимини кичинига кийдирди. Эсини таниши билан ишга соддиқ ҳунар ўрганишларига эътибор берди. Лекин ейиш-ичишларидан сиймади. Улар соғлом ўсинди. Қувонган онларим, маънос тортиган вақтларим ҳам бўлди. Амакингиз билан ўтган салкам ярим асрлик

олиб чиқдим. Уларни кўндиргунча кун кеч бўлди. Ҳозир таваккал қилиб, Тўйтенга, онаминикига олиб кетсамми деб турибман. — Ҳўп, яхши. Лекин жуда бўлмаса қалинроқ кийинтириб олмайсани уни? Қара, шўрликнинг титрашини. Энди, ука, сенга бир маслаҳат. Шу маҳалда ҳеч бир шопир сени Тўйтенга элиб кўймайди. Такси ҳам, бошқа машина ҳам сен айтган ерга бормайди ҳозир. Яхшии менингга бормиз. Бир кеча тунайсизлар. Фиркин бир жойга қўйиб маслаҳатлашамиз. Эртага бир гап бўлар.

— Қандай бўларкин! — йигит хижолатланди.

— Бу нима деганинг, ука! Шундай пайтда бир-бирга ёрдам қилмаган инсоннинг инсонлиги қоладими?

— Қария шундай деб ўткеничи машиналарга қўл кўтара бошлади. Улар ўтирган такси жойидан жилганда юрагим сирқираб кетди. Гуё жоним ҳалқумимга келди. Ҳайхот! Бунчалар мушкул бўлмаса бу оламнинг ишлари! Ох, жажжигина, ширингина қизалоқ! Ох, бадбахт она қўлида мунғайиб қолган бегуноҳ қоракўзлар! Ох, умрини ўғирлабтиб қўйган бетоле йигит!

— Мен сени тушуниб турибман, омон бўлгур, — деди қария ҳамдард оҳангда. — Ҳўп, энди нима қилмоқчисан! Қарига бормоқчисан шу тобда!


— Мана, шу кенжамни кўзим қиймади, отахон. Бунинг тугма юрак касали бор. Санаторий-ҳеч билиб бўлмас экан. Унинг бундай қилишини туш кўриб

© ТАБАРРУК ХОНАДОННИНГ ФАЙЗЛИ КИШИЛАРИ
© УМРБОҚИЙ ХОДИСАЛАР
© ИНСОННИ ЧАРЧАТМАЙДИГАН ФАЗИЛАТЛАР
© ИЗИРОБ БИЛАН АЙТИЛГАН СЎЗЛАР

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

- © Нафънинг агар халққа бешак эрур, Балки бу нафъ ўзингга кўпрак эрур. В. Гюго.
- © Инсоннинг ички оламидаги эзгулик — қўшдир. А. Навоий.
- © Инсон тани учун сийхат-саломатлик қанчалик зарур бўлса, қалб учун эзгулик ҳам шунчалик муҳим; эзгулигининг бўлса, у ҳар нидда муваффақият келтирса, уни сезмайсан ҳам. Л. Н. Толстой.
- © Мен эзгуликдан бошқа бирор афзалликни билмайман. Л. Бетховен.
- © Ҳар нарсага қарши турса бўлади, лекин яхшиликка қарши туриб бўлмайди. Ж. Ж. Руссо.
- © Яхшилик ва камтарлик — шу икки фазилатдан киши ҳеч қачон чарчамаслиги керак. Р. Стивенсон.
- © Бошқаларга шодлик ато этинг — энг ноёб ҳаловатдир. Ж. Лабрюйер.
- © Ҳақиқий инсонпарварлик энг аввало адолатдир. В. А. Сухомлинский.
- © Эзгулик илм эмас, у фаолитдир. Р. Роллан.
- © Кўрсатма бўйича қилинган яхшилик яхшилик эмас. И. С. Тургенев.
- © Кимки яхшилик қиламан деб ҳақдан ташқари узоқ муҳокама юритса, яхшилик қилишга вақти қолайди. Р. Тагор.
- © Ким атрофдагиларни камситса, ўзи ҳеч қачон буюк бўлмайди. И. Зейме.
- © Одамларни ҳурмат қилиш — ўзини ҳурмат қилишдир. Ж. Голсуорси.

Китоб жавонингизга Ҳаёт дарсликлари



УЗБЕКИСТОН ССР «Фан» нашриёти шу йил «Ахлоқ-одога оид Ҳадис намуналари» тўпламини нашрдан чиқарди. Эътиборингизга ҳаётида қилинаётган ушбу иш-тўда Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Абу Довуд, Насай, Ибн Можажа, Доримий Байҳақий, Табароний каби йирк ҳадис олимларининг тўпламларидидаги минглаб ҳадислар танлаб олинган. Италол ад-дин Суётининг «ал-Ҳомий ас-сағир» номли ҳадислар тўламини эса ушбу таржимага асосий манба қилиб олинган.

Тўламда тарбия, ахлоқ-одо, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндош, ота-она ва фарзандларнинг ҳақ-хуқуқлари, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, адолат, инсоф-товфиқни тартиб қилиш билан бир қаторда раволат, кибр-ҳаво, адоват, ҳасад, хийнат, ёлғончилик, фитна-фасод, зулм каби иллатларга нисбатан нафрат тўғйуларини ҳам ўз ифодасини топадигани айтиб ўтиш зарур. Шунинг учун мақрур ҳадислар жамиятимиз кишиларини, хусусан ёш авлодини маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашдек умумий ишмигага ўз ҳиссасини қўишни мумкинчилигини, шунингдек, ҳадисларни арабада ўқиб тушуна оладиган кишилар дийримида жуда оз эканлигини ҳисобга олиб, ахлоқ-одога оид бир қисми ўзбекчага таржима қилинган. Таржимонлар ва арабча матнини нашрга тайёрлаганлар ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик олийгоҳининг катта илмий ходими, Беруний номидаги ўзбекистон ССР давлат муқофоти лауреати Ҳ. Ҳикматуллаев ва ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармаси фатво ҳайъатининг мудири А. Мансуровлар китобчага ёган сўз-босида тўлам ҳақида муфассал фикр юритишади.

Мажмуадан ўрин олган ҳадислар умрбоқийлиги билан эътиборини тортиди, беихтиёр шундай ажойиб хазина йиллар давомида халқимиздан сир саклаиб келинганига ҳайратга тулашас. Яна бир томони, китобча 100000 муҳсада қол этилган. Бу 20 миллионга яқин аҳолиси бўлган жумҳуриятимиз учун жуда кам эмасми?

Солиқ СЎБДИЕВ.

Советлар мамлакатига Пайчилик асосида

ЧЕБОКСАРИ. Чувашияда янги қурилиш материаллари заводини бунёд этиш билан шуғулланадиган ширкатчилик жамияти ташкил этилди. Унинг пайчилиги янги қурилишлар учун гиштга навабтисиз буюртма бера олади. Юксак даражада механизацияланган бу йирк корхона йилга 75 миллион дона гишт ва салкам бир ярим миллион квадрат метр қошиқлар ишлаб чиқаради. Ширкатчиларнинг куч-қайрати билан бу завод қурилиши Кугеси қишлоғи яқинида келгуси йилдан бошлаб жўрилади.

Янги беда навлари

МАЙКОП. Беда бўлмаса, кўп сут соғиб олиб бўлмайди. «Адиғей бедаси» илмий-ишлаб чиқариш системасини ташкил этган автоном вилоят деҳқончилик сановати уюшмаси мутахассислари шундай деб ҳисобламоқдалар. У қишлоқ хўжалик тажриба станцияларининг илмий ходимлари ва ўнлаб колхоз ҳамда совхозларнинг мутахассисларини бирлаштирди. Янги ташкилот хўжалик ҳисоби асосида ишлади. Янги беда навлари унинг дастлабки маҳсулоти бўлади. Бу нава бедасини суғорилмаган ҳолда ҳам уч-тўрт марта ўриб олиш мумкин.

Касаба уюшмаси қарори

МАГНИТОГОРСК (Челябинск вилояти). Металл буюмлар заводи меҳнатчиларига нарх-наво ўсишини қисман қоплаш мақсадида қўшимча 50 сўм пул берилмоқда. Завод касаба уюшмаси конференцияси ана шундай қарор қабул қилди. Шунингдек, корхонада асосий касб ишчиларининг отпускиси олти кунга узайтирилди. Бу ерда бўлажак оналар одатдаги белгиланган муаддатга қараганда икки ой илгари декрет отпускисига чиқарилади.

Табиий газ келди

МАРИ. Туркманистоннинг Қорқум районидagi «Мир», «Моксав» колхозлари ва СССР 50 йиллиги номли совхоз меҳнатчилари табиий газдан фойдалана бошладилар. Бу ерга «Туркменгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси қурувчилари кўп километри газ қувурли ўтказишди. Ҳозир улар газ тақсимлаш ускунасини қуришни ва хўжаликларнинг олис участкаларини аҳолиси уйларига кичик диаметри газ қувурлари тортишни тугалламоқдалар.

Академия дипломи билан

КАУНАС. Маҳаллий медицина академиясида янги факультет ташкил этилди. Бу ерда 150 дан ортиқ киз ўқийди. Улар тўрт йилда олий маълумотли бўладилар. Бу факультетни битириб чиққанлар клиника ва касалхоналарда катта медицина ҳамшираси бўлиб ишлашлари, билим юртларида дарс беришлари мумкин.

Хуштаъм чой

СПАССК-ДАЛЬНИЙ (Приморье ўлкаси). Узоқ Шарқнинг ёввойи ўсимлиги — элеутерококк яна бир қасмда қўлланила бошланди. Бу ўсимлик тетиклаштирувчи қўшимча сифатида чойга аралаштирилмоқда. Улка давлат саноат хўжаликчилари Грузиянинг Маҳарадзе шаҳридаги чой қadoқлаш фабрикасига ана шу шифобахш ўсимлик барглариини жўната бошладилар. Спасск давлат саноат хўжалиги коллектив ушбу янгиликнинг ташаббускори бўлди. Бу ерда бeргини ишлайдиган махсус кўришти ускунаси қурилди.

Қадимий санъат намуналари

ШИМОЛИЙ БАЙКАЛ (Бурятия АССР). БАМ тарихи музейида очилган ажойиб экспонатлар кўргазмаси қадимги Бурятия санъати намуналари билан таништирилди. Кўргазма XVIII — XIX асрларга мансуб жуда қизикarli топилавлар қўйилган. Булар — меҳнат қуролилари, уй-ўрғор буюмлари, қурол-воялардир. Айёллар тақинчоқлари алоҳида қизиқиш уйотмоқда.


Қуръон—тожик тилида

ДУШАНБЕ. «Илм ва ҳаёт» илмий-оммабоп журнали мусулмонларнинг муқаддас китобини босиб чиқара бошлади. Қуръонни нашрга Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг бир гуруҳ олимлари тайёрладилар. Гуруҳ раҳбари, академик А. Турсуновнинг айтишича, Қуръоннинг тожик тилига қўлгина таржималаридан энг соддаси, асосий матнга тўла мос келадигани танлаб олинди. Ҳозир «Памир» журнали Қуръонни рус тилида босиб чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда. Келгуси йил болаларнинг «Чашма» журнали Қуръоннинг соддалаштирилган вариантини мутахассисларнинг шарҳи ва расмлар билан бирга босиб чиқармоқчи.

Жабрдийдаларга ёрдам

ГУРЬЕВ. Манғишлоқ тоштарашлари Шарқий Қозоғистонга бирокорлик материаллари ортирган составини жўнатдилар. Бу материаллар зилзила бўлган Самар районига уй-жой қуриш учун мўлжалланган. Ер қимирлаш оқибатларини бeртараф этишда Гурьев вилоят комсомол комитети тузган қўшма отряднинг 200 кўнгиллиси иштирок этиди.

[ТАСС].



● ҚОЗОГИСТОН ССР. Павлодар тиббиёт, озиқ-овқат, атир-ушана саноати катта ҳатийе сезаватган тақим препарат — био-ушана саноати бeрвучи мамлакатимизнинг энг йирк шeҳ-ри бўлиб қолди. Тиббиёт саноати министрлигининг қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциясининг ташаббускорлари ана шу қимматли биостимулятор олинадиган ноёб ишлаб чиқаришни вужда-га келтирилди. Павлодарда жўзашени қўшилган «Дорна» шампуниин ишлаб чиқариш ўзаштирилди. Ҳардорлар «Женьшеня» лососинини ва шу номдаги кремни бeжонидан хeр-ди қилишавпти. Биомеънашени шeҳи яқинида бунёд этилган кичик корхона-да кундалик «Осулув» кремни ишлаб чиқарилади, «Олтин илди» лососинини ишлаб чиқаришга хeзирлик қурилавпти. СУРАТДА: ўн минглаб колларда биомеънашени ештириш жарвeнини қомпоштерлар бошқаради. Навбатчи Игорь Карпов ана шу жарвeн қандай кeчeвтeнгилгини текширeвпти. Н. Кузнецов [ТАСС] сурати.

Ибратли ҳиқоятлар

ФАЛОКАТ босиб эру хотин уришиб қолди. Охири бўлмади, ажралиб кетдиши. Болалар тирик етми қолди. Бир доно бунинг давосини топти. Эрини кўрса ҳам, хотинини кўрса ҳам бирининг номидан иккинчисига салом айтаверди-да, охирида уларни келиштириб юборди.

БИР ҳождил кишининг жаҳли бурни устида тураркан, арзимоган нарсадан асабийлашиб, жанжал чиқараверар экан. Бундан бeз-ор бўлган уйдагилар бир донодан «Нима қил-сак экан?» деб масла-ҳат сўрашибди. Доно қуйидаги мақолини жаҳлдор киши рўпарасига ёзиб қўйишни айтибди: «Жаҳл келса, ақл кетади». Зикрчилла ЭГАМБЕРДИЕВ.

Турмуш чорраҳаларида

ЙИГИТ БЎЗЛАРИ

БУ воқеани эсласам, ҳали-ҳануз юрак бағрим ўртаниб кетади. Эрта баҳор кунлари, ҳаво салқин эди. Ҳамақасбим билан хизматдан қайтар эдик. Вақт кеч бўлгани учун бекатда одам оз. Шу пайт кимнингдир баланд овозда сўзлаётгани диққатимни тортиди. Бейхитёр ўша томонга боқдим, иккимиз ҳам таажжубдан ҳанг-манг бўлиб қолдик. Кўринишидан 35—40 ёшлардаги қотмагина бир йигит уст-боши ўта юпун тўрт-беш ёшлар чамасидаги қизалоқни бағрига босганича ўтирар, уни силаб-сийпалаб туриб, илгари-ди. Қизча ухлар, аммо совуқдан жунжикиб, дам-бадам кў-зини очар, илгари, сўнг яна пинакча кетарди. Сўзлаётган кекса бир киши эди:

— Эс-хушининг йиг, ука! Болаларининг ёнига қайт. Хотинга жаҳл қилиб шундай ҳавога бу гўдакни қийнаб юришининг қара! Эрак деган унақ бўлмайди. Узининг сал қўлга ол! Жанжалсиз хонадон борми! Эртага яна ярашиб кетаверасанлар!.. Ота қадрдонингман, билсан, тўрт йил бирга жанг қилганимиз раҳматлик билан. Ойланг бузилмасин дейман. Яшаган кўриб қолганим. Майли турақол, унингга бирга бориб

бир пивёла чой ичиб қайтарман. — Сизга энди бор гапни айта қолай, амакижон... У... У менга хийнат қилди!.. Йигитнинг кучли изтироб билан айтган сўзлари қарияни сергак тортирди.

— Оббо, жуда хунук иш бўлибди-ку, — қария уф тортиб, бош чайқади. Бироз сукут қил-ган, босиқ оҳангда яна сўзлай кетди: — Ҳўп, хотининг шундай иш қилибди, хийнат қўнасига кирибди. Тўғри, бу йигит киши учун оғир сийнат. Лекин болаларда нима гуноҳ! Бир эмас, уч фарзандинг бор экан. Уларни қандай кўзинг қияди, ахир! Йигит оғир сўлиш олиб, сий-ник руҳ билан деди: — Қани эди, иложи бўлса, ҳаммасини ўзим тарбия қил-сам. Лекин суд, ажрим деган нарсалар бор-да. — Ҳайронман, — деди қария ажабланиб, — шунча йил тур-муш қилиб, хотининг билма-ган, юриш-туришига қарамаган экансан-да! Э, амаки, — йигит ютоқиб сийгeрт тортиди, — одамзодни ҳеч билиб бўлмас экан. Унинг бундай қилишини туш кўриб

Дония ЗОКИРОВА.



Акс садо

ЁЗИЛМАЙ ҚОЛГАН САТРАЛАР

«Улуғ Ватан уруши тугаганига 45 йил ўтган бўлса ҳам, қалб жароҳатлари давом битадиган, Бева аёл, етми қолган болалар, қариндош-уруғлар ҳамон бедарак йўқолган кадрловлардан умидвор. Шунча йилларки матбуот орқали қўлва мақолалар, жасорат кўрсатган оталаримиз ҳақида очерклар берамиз. Барибир вақт ўтган сайин уруш жароҳати унутилми унинг, юраклар тубига жо бўлиб бормоқда.

ган экан, ўларни ҳақида маълум қилиб майтуб йўллади. Муҳарриятимизнинг худди шу мавзунда ёлғиз олиб чиқилган, қолверса, кексалар жонқуяри И. Салимовнинг «Северний маяк» жамоа хўжалиги ва Тўйтепа қишлоғида ҳам мавжуд эди. Аҳамиятисиз дивизияда биргина ўбеклар эмас, қозоқлар, тожиклар ҳам бор эди».

«Қадрли Бурхон ака, — деб мурожаат қилибди, зангиоталик Жамолхон Жалолов уруш ва меҳнат кексалари кенгаши Тошкент вилоятининг раиси Бурхон Сирокидиновга. Мен 13-февралда «Тошкент оқшоми» рўнома-сида босилган «Қайдасиз, қуролдошлар?» мақоласини ўқиб, қуйидагиларни Сизга маълум қилмоқчиман. 1941 йили Янгйўл районига 99-Ўзбек отлик дивизиясининг 281 полки ташкил этилиб, унга майор Маширапов командир этиб тайинланди. Жамолхон ота оловни кечиб ўтган жойлари ҳақида батафсил хикоя қилиб, ҳатто ўзи билан ёнма-ён жангга кирган полкдошларини номлама-номлаб эди».

Тошкент вилоятининг Оржоникидзе райони, Тузель қишлоғидан мактуб йўллаган қозоқ оғамини Абдуқодир Тожибоев шуларни қўшимча қилди: «1941—42 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби У. Юсулов раҳбарлиги остида Ўзбек дивизияси ташкил топди.

Бунда биргина отлик дивизия билан ўқчилар бригадасига эмас, отлик артиллерия ҳам (дивизионлар) ташкил топган эди. Масалан, Ўрта Чирчиқ районининг «Северний маяк» жамоа хўжалиги ва Тўйтепа қишлоғида ҳам мавжуд эди. Аҳамиятисиз дивизияда биргина ўбеклар эмас, қозоқлар, тожиклар ҳам бор эди».

«Қадрли Бурхон ака, — деб мурожаат қилибди, зангиоталик Жамолхон Жалолов уруш ва меҳнат кексалари кенгаши Тошкент вилоятининг раиси Бурхон Сирокидиновга. Мен 13-февралда «Тошкент оқшоми» рўнома-сида босилган «Қайдасиз, қуролдошлар?» мақоласини ўқиб, қуйидагиларни Сизга маълум қилмоқчиман. 1941 йили Янгйўл районига 99-Ўзбек отлик дивизиясининг 281 полки ташкил этилиб, унга майор Маширапов командир этиб тайинланди. Жамолхон ота оловни кечиб ўтган жойлари ҳақида батафсил хикоя қилиб, ҳатто ўзи билан ёнма-ён жангга кирган полкдошларини номлама-номлаб эди».

Мактубларни варақлай туриб мана бу мактуб диққатини жалб қилди «Тасо-дифни қарангиз, «Марказ — 28» мавзесида истимомат қилувчи Тошкент ота Мўминов ҳам 99-Ўзбек отлик дивизия-сида, фақат 282-полкда хизмат қилган эканлар. Эҳтимол улар 45 йил аввал

Жамолхон ота билан бир олоқда ётиб, бир товоқда овқат егандир...».

«Андижон шаҳрининг 30-мактабига Ўзбек отлик дивизия тузилганда бизга от етмай қолганини ҳам яхши эслаймиз, — деб ёзди Аҳидуррашид ота Раҳмонов. — Шунда пиёдалар полкига Ёлғиз бўлса ҳам Шимолий Гарб фронтга жўнаб кетдик...» У киши ҳам босиб ўтган машаққатли уруш йўллари ҳақида сермазун ифода қилди.

«Зора сизнинг кўмагинизда қуролдош дўстларини топсам, — деб мурожаат қилибди Собир Раҳимов районининг Мирзо Ғолиб кўчасида яшовчи Қомилжон Зиямухамедов. Яна у 99-Ўзбек отлик дивизиясига Пискент районидан қўшилганини, ялқ бор Қалуга шаҳрига келиб тушганини, сўнгра 1944 йилдан биринчи Беларуссия фронтига хизмат қилганини ёзди.

Хатлар, улар жуда кўп. Бир мақолага шунча акс садо. Диллариди гаплари қозага чиқиб қолганидан қўйилган отахонлар, ёлғиз олганича тўлиб-тўлиб хикоя қилганлар. Қўзлари хиралашиб, кўларидан қувват кетай деб қолганига қарамай, имкони борича ёриштиша ҳаракат қилганлар. Балки баъзилари ай-тиб туриб набираларига ёздиригандир. Нима бўлганда ҳам 181-полкдан Абил ота

Бойбеков, тошкентлик Ҳамиджон ота Исмомов, 216-ўқчи полкда хизмат қилган Мавлон ота Алиқўлов, 213-полкдан Сиддиқ ота Ўйлошевлар дил сузлари битилган мактубларни йўллашни лозим топишган.

«Отаномини излайман, — дейди мактуб муаллифларидан яна бири — Хоразм вилоятининг Янгйўл районига Раънохон Матқурбонова. Отам Матқурбон Бобоқонов 1942 йил 17 июнда фронтга кетганларича дом-дараксиз йўқолганлар. Енида бирга кетганларнинг айтишича Сталинград яқинидаги Дубовка қишлоғида бўлган эканлар. Топсам ўзини, ҳалок бўлган бўлса ҳокимни кўзимга суртар эдим».

«Дунёга келибманки ота деган улуг зотдан мақруман» — дея ёзди Паркент районидан Маҳфуза Обидхонова. Тоғаси ҳақида бирор бир из тополмай юрган хоразмлик Насиба Юзатовна ҳам ёрдам сўраб мурожаат қилади. Самарқанд вилоятининг Иштихон районидан отлик дивизияга олинган Эрдон Хужайеровни излаб набираси Қундуз Эрдонова мактуб йўллаган.

Хатлар... Йиллар бўйи жавобини тополмай сарсон қозаётган қаерда, ҳалок наби саволлар. Беиз йўқолган оталар номи ҳамон дилларни ўртади. Улар тирик бўлганларида эҳтимол Ўзбек отлик

дивизиясининг шарафига қўшимча гаплар айтган бўлар-миди. Ҳар ҳолда улар дивизия номини ўз жони билан сақлаб қолганлари ҳақиқат.

Исмом ота Салимов хат уюмларига узоқ тикланганча оғир хўрсиниб, «Бир йилми, бир ойми ё бир кун улар олов ичига кириб чиққанлар. Уларнинг номини ардоқлайлик, шонли Ўзбек дивизиясини эс-дан чиқармайлик», дейди. Шу боис балки ҳар бир хатнинг сўнги сатрига «Бизни ҳам йўқлаганингиз учун раҳмат», деб битилгандир.

Ф. ҲУСАНОВА.

ҲУРАМАТЛИ УРТОҚЛАРИ

Тошкент шаҳрида Улуғ Ватан уруши йилларида (1941—1945 йил) қўлва бўлган ва бедарак йўқолган барча жангчиларнинг номларини киритилган хотира китоби тайёрланмоқда.

Агар, уруш йилларида йўқолган қариндош-уруғларнинг бўлса, улар ҳақида район ҳарбий комиссарлигига маълумот беришингизни сўраймиз.

ХОТИРА КИТОБИ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



ЗЕНИТ-7° фирмали техно-савдо маркази



30 АВГУСТДА

ВАДИЯ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «БУЮРТМАГА МУВОФИҚ ОНА» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «МИССИСИНИ АЛАНГА ИЧИДА» (18.30, 21.00).

Қозоғистон — «БОЛАГИНАМ» (17, 18, 20.00).
К. Ерматов номли «КУЙЛАЕТГАН ЧИҒАНОҚ» (18.30, 21.00).

Восток — «ЕЛҒОН ҚАСАМ» (18.30, 21.45).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «УРУШ СЌҚМОҚЛАРИДА» (жуфт соатларда).
Фестиваль (ёғни) — «ТАҚДИР ЭРКАТОНИ» (21.00).
Хива (ёғни) — «СОҶИДА ҚОРОНГУ КЕЧАДА» (21.00).

31 АВГУСТДА

Чайка — «ТУНДА КАКУЛАР САЙРАЙДИМИ?» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ТАҚДИР ЭРКАТОНИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Қозоғистон — «БОЛАГИНАМ» (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.00).

К. Ерматов номли — «КУЙЛАЕТГАН ЧИҒАНОҚ» (тоқ соатларда).

Восток — «ЕЛҒОН ҚАСАМ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.45).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «УРУШ СЌҚМОҚЛАРИДА» (жуфт соатларда).
Фестиваль (ёғни) — «ТАҚДИР ЭРКАТОНИ» (21.00).
Хива (ёғни) — «БЕМАВРИД КЕЛГАН ДУСТ» (21.00).



ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ҲАЙТИШ ВА КАСБГА ЙўЛЛАШ МАРКАЗИ 2-КўН ЗАВОДИГА ИШЧИЛАРИНИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Меҳнат ҳақи — ишбай-муқофот.
Иш сменали.
Қўнчилик ишлаб чиқариши бўйича МУТАХАССИСЛИККА ЭГА Бўлмаган ШАХСЛАР УШБУ ҚОРХОНАДА КАСВ ЭГАСИ БўЛИШЛАРИ МУМКИН.
Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, 2-мавзе, 5-уй — Чилонзор район аҳолини ишга жойлаштириш бўлими.

Ленин районидидаги 110-ўрта мактаб томонидан Алшар Анваров номига берилган 251520 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ Тўғрисидаги АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريят ижтимоий газетаси «Ротация» ходимлари Дамир ва Тўйгу Абдуллаевларга отаси Хоналим АБДУЛЛАЕВНИНГ вафот этганини муносабат билан чуқур таъзия изҳор қилди.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОК ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
1990—1991 ўқув йили учун
КЕЧКИ ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИГА ЎРТА МАКТАВНИ ТУГАТГАН, 34 ЁШДАН ОШМАГАН ҚАМИДА 2 ЙИЛ МЕХНАТ СТАЖИГА ЭГА БўЛГАН ХАЛҚ ХўЖАЛИГИНИНГ ҲАММА СОҲАСИДА ИШЛОВЧИ ИШЧИЛАР, ҚОЛХОЗЧИЛАР, ШУНИНГДЕК, СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ҚАЙТГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов бўлимига кириш учун тавсифнома-йўлланма икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга шахсларгагина берилади. Ишчи вазифинидаги амалий иш стажининг шу қорхонадаги охириги 1 йилга узунлиги бўлмоғи лозим. Ўқиниш учун йўлланма олган қолхозчилар ҳар бир йил учун шу қорхонанинг минимум меҳнат кўнига эга бўлишлари керак.

Тайёрлов бўлими қуйидаги мутахассисликлар бўйича тингловчилар қабул қилади: математика, амалий математика, физика, география (куруқлик гидрологияси), химия, биология, тупроқшунослик ва агрохимия, ўзбек тили ва адабиёти, миллий мактабларда рус тили ва адабиётини ўқитиш.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларини топширишлари лозим: университет ректори номига ариза, иш жойидан (ҳарбий қисмдан) йўлланма, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ташқилов раҳбари тасдиқлагани), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) тавсифнома, 086/У андозадаги тиббий шайхонатнома, 3x4 см. ҳажмидаги 8 та фотосурат.

АРИЗАЛАР 20 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Судбат (танланган ихтисосга қараб) 2 ёки 3 фандан 21 сентябрда ўтказилади.

Тингловчилар мандат комиссиясидан 2 октябрда ўтказилади.

ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИНИ ТУГАТГАН ВА БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПИШГАН ШАХСЛАР УНИВЕРСИТЕТНИНГ 1 КУРСЛАРИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Машгулотлар 3 октябрдан бошланади. Ўқиниш муддати — 10 ой.

Паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, комсомол, касба-ушумаси билетлари шахсан кўрсатилади.

Манзил: Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, биология факультети, 1-қават, 105-хона.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта таълим вазирлиги
ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

СИРТҚИ БЎЛИМГА

(11-синф базасида)

совутиш-компрессор машиналари ва қурилмаларини йиғиш, техника хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш;

саноат қорхоналари ва фуқаро биоларининг электр ускуналарини йиғиш ва ишлатиш;

электрон-ҳисоблаш техникасига техника хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш;

автоматлашган системаларни йиғиш ва созлаш.

ҲУЖЖАТЛАР — 10 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

«СРЕДАЭЛЕКТРОАППАРАТ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

КЕЧКИ БЎЛИМГА

(11-синф базасида)

электр машиналари ва аппаратлар ишлаб чиқариш.

Манзил: Манжара кўчаси, 3-уй. Телефон: 91-29-15.

«СЕРГЕЛИ» КЕЧКИ БЎЛИМИГА

(11-синф базасида)

саноат қорхоналари ва фуқаро биоларининг электр ускуналарини йиғиш ва ишлатиш;

электрон-ҳисоблаш техникасига техника хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш.

Манзил: Тошкент шаҳри, 102-алоқа бўлими, «Спутник», Марказ-2, 18-уй. Телефон: 58-78-12.

ҲУЖЖАТЛАР — 20 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: адабиёт (иншо), математика (оғзакидан) ўтказилади.

Аттестатлардаги баҳолари «4» ва «5» бўлган ўқувчилар судбат асосида қабул қилинади.

Техникум манзили: 700041, Тошкент шаҳри, Бабушкин кўчаси, 4-уй.

Телефон: 62-84-41, 62-56-27.

«БАРЧА УЧУН ҲАММА НАРСА МУҲАИЕ»

— рўзгор майда-чуйдаларидан тортиб мотоциклларнинг эҳтиёт қисмларига турли-туман буюмлар мавжуд бўлган ана шу марказни бемалол шундай деб аташ мумкин. Бу ерда таклиф этиладиган буюмлар ҳаваскор сураткашларни ва саёхатчиларни, уй бекаларини ва усталарни, ёш ота-оналарни ва турли эрмаклар билан шугулланувчи кишиларни қизиқтириши мумкин.

САЕҲАТЧИЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Иккита қозончаси бўлган ошқона термаси саёхатчиларга манзур бўлади. Ушбу терма жуда қулай — енгил қозончаларнинг бирини иккинчисининг ичига жойлаш мумкин, қопқоғи зич ёпилади. Қопқоғи ёпилаган ҳолда у худди термосга ўхшаб кетади. Унда иссиқ ва совуқ суюқликларни ташини мумкин.


Қозончаларнинг қопқоғи тутқичли, ундан това ўрнида фойдаланса ҳам бўлади.

Терманинг баҳоси — 10 сўм.

УЙ БЕКАЛАРИГА МАНЗУР Бўлади

Биз идишлар қўйиладиган икки қаватли жавонни кўзда тутаямиз.

«ЗЕНИТ — 7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ.



«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш қорхонаси.

Унинг устига чой ичиладиган идишларни териб қўйиш мумкин.

Пастки қавати ликобчалар, кичик лаганлар, косалар учун мўлжалланган.

Жавоннинг баҳоси — 5 сўм 25 тийин ва 6 сўм 40 тийин.

ФАРЗАНДИГИЗ АТАК-ЧЕЧАК Бўлганда

Энди юра бошлаган кичкинтойлар тезда толиқиб қолишади. Сайр аравачаси шундай пайтларда сизнинг ҳожатингизни чиқариши мумкин. Унда сайр қилибгина қолмай, меҳмонга, дўконга бориб келиш ҳам мумкин.

Аравачанинг баҳоси — 30 сўм.

КАЛАВАНИ ТЕЗ ҲАРАТ БЕРАДИ

ҚДПП калавани қайта ўраш махсус комплекти калавани ўрамга тез қайта ўраб беради. Калавани ўрамга қайта ўраш (бир йўла икки-уч қават қилиб) илгакда тўқиш ва тўқув машиналарида ишлаш учун жуда қулай.

Баҳоси — 10 сўм.

Марказ соат 10 дан 19 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15 гача. Дам олиш кун — душанба. Телефонлар: 54-04-92, 54-26-52.

ТАНИҚЛИ ИЖРОЧИЛАР, ЕНГИЛ МУСИҚАНИНГ БАРЧА ЖАНРЛАРИДА ИШЛОВЧИЛАР, КИНО БИРЛАШМАЛАРИ, ТЕАТЛАР, ЁШЛАР МАРКАЗЛАРИ, ФИЛАРМОНИЯЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО ЭШТИТИРИШ ЖУМҲУРИЯТ ҚУМТАЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Тошкентда Ўзбекистон давлат филармонияси қошида овоз ёзиш профессионал реклама студияси ва ихчам касеталарни қўйиштирувчи



ПУШЕН

СТУДИЯСИ

ИШ ВОШЛАДИ

ПУШЕН — бу овоз ёзишнинг энг юқори ускуналари билан жиҳозланган, дунё миқёсидаги энг яхши стандартлар билан беллаша оладиган студиядир.

ПУШЕН — бу ҳамма оркестрларни — симфониядан тортиб то биг-бендгача ва халқ асбобларининг овозларини Сизнинг қўлингизда муҳайе қиладиган семплер техникадир.

ПУШЕН — бу замонавий мусиқанинг ҳамма нозик турларини рақамли, овоз ёзувчи ва компьютерли техникадир.

ПУШЕН — бу юқори малакали овоз ёзувчи, мослаштирувчи, композицияловчи шахслар ишлайдиган иш жойидир.

ПУШЕН — бу Сизнинг мусиқангизни жаҳон миқёсидаги стандартда ёзиб олибгина қолмай, балки Сизнинг ижодингизни Бутуниттифоқ ва халқро бозорга олиб чиқувчи, Сизга гастроллар уюштиришда, аудио ва видео рекламаларни яратишда яқиндан ёрдам берувчи ташкилотдир.

ПУШЕН — бу бадий, ялғиз-оммабоп ва мультимедия кинофильмларнинг, театр спектаклларнинг, радиопостановкаларнинг яратилишида ва муҳим ёзиб беришда юқори малакали мутахассисларга эга бўлган студиядир.

ПУШЕН — бу «Юрмала» Бутуниттифоқ танлов ташкилотчиларидан биридир.

ПУШЕН — бу давлат ташкилотлари, шунингдек шахсий кишилар, гуруҳлар, театрлар ва студиялар учун ишловчи студиядир.

Оддийдан ёзилиш ва маълумот олиш учун телефон — 33-32-40.

Манзил: Тошкент шаҳри, Свердлов кўчаси, 26-уй, ПУШЕН студияси.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА

14-15 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ

«КУЛГИ ВА ҚўШИҚ ХАМИША ХАМРОХ»

мавзунда

КУЛГИ ВА ҚўШИҚ КЕЧАСИ

ЎТКАЗИЛАДИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Қўқондан машҳур қизақчилар, аскиячи ва Жумҳурият қизақчилар кўрик-беллашувининг совридорлари —

МУҲИДДИН ДАРВЕШОВ

ЖУРАХОН ПУЛАТОВ, АКРОМЖОН АНВАРОВ, МУҲАББАТХОН ТОШПўЛАТОВА.

Аскиячилардан: Ўйлошхон НОСИРОВ, Неъматжон ТОШМАТОВ, Ғиёсийдин АБДУРАҲМОМОВ, Абдулқосим ТўҶИЕВ.

Қўшиқчилар: Марьям ТАНҒРИБЕРДИЕВА, Муҳаммад АБДУЛЛАЕВ, Шоиржон ЮСУПОВ ва бошқалар ижро этади.

Концерт режиссёри — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. РАҲИМОВ.

Концерт 14-15 сентябрь кунлари кундуз соат 16.00 да ва кеч соат 19.00 да бошланади.

Чипталар сотилмоқда.